*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
14 ИЮНЬ, 1969 Й
ШАНБА
№ 139 (903).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## ЭРТАГА — МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ



◆ *Бешйиллик зарбдорлари*



Мухлиса Жумабоева «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг ёш пешқадам тўқувчиларидан бири. У ўзининг беш йиллик шахсий топшириқларини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган.

СУРАТДА: М. Жумабоева.

## КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КЕНГАШИДА

**Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши 13 июнда ўз ишини давом эттирди. Кун тартибида турган масалалар муҳокама қилинди.**

**Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари. Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Ж. Марше раислигида ўтган эрталабки мажлисда Люксембург Коммунистик партиясининг Раиси ўртоқ Д. Урбани, Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Ю. Цеденбал, нигериялик марксистчи-ленинчилар делегациясининг раҳбари ўртоқ Т. Отегбей, Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. Вильнер, озодлик ва социализм партияси (Марокаш)нинг Бош секретари ўртоқ Али Ята сўзга чиқдилар.**

**Кечки мажлисда Боливия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Х. Колле раислик қилди. Мажлисда яширин шароитда ишлаётган қардош партиялардан бирининг делегацияси раҳбари, Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ А. Мартинес Вердуго, Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ К. Колиянис нутқ сўзладилар.**

Ю

## ҲАЁТ ЙЎЛЛАНМАСИ

Шу кунларда Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги мусиқа билим юртида ҳаяжонли дамлар ўтиб, қувончли кунлар яқинлашмоқда: билим юртини битирувчилар ўзларининг сўнгги давлат имтиҳонларини топширмоқдалар. Билим юрти бу йил 42-марта битирувчиларни ҳаётга йўллайди. Турли миллатнинг 156 ўғил-қизига ҳаётга йўлланма берилади.

Тўрт йиллик самарали машқлардан кейин ўзбек халқ чолғу асбоблари, дирижёрлик, фортепьяно, мусиқа назарияси, оркестр асбоблари, вокал бўлимлари студентларининг кўпчилиги аъло баҳоларга имтиҳонларини топширдилар. Улар орасида чангчи И. Исроилов, танбурчи Р. Осмонов, хор дирижёри А. Содиқов, Н. Собиров ва бошқалар бор.

Ёш санъатчилар Тошкент Давлат консерваториясига сиртдан ўқишга кирган ҳолда, Қарши, Термиз шаҳарлари ва Ўрта Осиё республикаларига ишга жўнайдилар.

# ТАРАСОВЛАРНИНГ ИШЧИ ОИЛАСИ

*Тепловоз депосида меҳнат ветеранини шарафлаш*

Туш пайти. Тепловоз депосининг механика цехига кўпгина ишчилар ва хизматчилар йиғилишди. Улар бу ерга 45 йилдан ортиқ станок ёнида меҳнат қилган ветеран ишчи Николай Максимович Тарасовни қутлагани ва шарафлагани келишган. 12 июнда у 60 ёшга тўлди.

Инсон ўзининг энгил бўлмаган меҳнат йўлини ҳалол босиб ўтиб, дам олгани кетяпти. Бунинг учун Ватан ундан миннатдор!

Тарасовлар оиласи Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатган ва мустаҳкамлаган ишчи оилаларидан саналади. Максим Тарасов ҳам мана шу иш учун ҳаётини бағишлади. Бир умр меҳнат қилган мана шу цех остонасига қадам қўйганда Коля Тарасов ҳали 15 га ҳам тўлмаган эди. Николай Максимович деталь тайёрлаган паровоз ва тепловозлардан бу машиналар ташилган юк ва пассажирларнинг ҳисобига етиш қийин. Бу—ишчининг мамлакатда социализм ва коммунизм қурилишига қўшган ҳиссаси бўлди.

Николай Максимовичнинг отаси ҳам депо ишчиси эди. Ўғли Валерий ҳам шу йўлдан борди. У отаси тажрибасини ўрганиш билан бирга кўпгина янгиликлар ҳам яратди.

...Духовой оркестр садолари янграйди. Бу тантананинг қатнашчиси бўлган кишиларнинг юзида қувонч балқийди. Фанфаралар янграб, цехда 8-болалар богчасининг кичкинтойлари пайдо бўлади. Улар «Тарас бобони» табриклашади, унга узоқ умр тилашади ва тез вақт ичида ўсиб вояга етиб, станоклар ёнида ўз бувалари ва оталари ўрнини эгаллашга ваъда беришади.

Депонинг меҳнат ветеранларидан А. М. Вахирев ўз дўстини қутлади.

— Мен ўйлаб шундай хулосага келдим, — деди у.— Агар сен дўстим, қайта ишланган металлардан чиққан қириндиларни бир жойга йиғса, мана шу цехдан баланд тепалик ҳосил бўлардик. Ҳамиша омон бўлгин, дўстим!— деди у.

Унинг номи «Ҳурмат китобига» киритилади.

Николай Максимович китобни севади. Шунинг учун ҳам илмий техника кутубхонаси ходимлари уни табриклаб, китоблар совға қилишди.

Меҳнат ветеранига бағишлаб духовой оркестр куй ва қўшиқлар ижро этди.

Депонинг меҳнат ветеранларидан А. М. Вахирев ўз дўстини қутлади.

— Мен ўйлаб шундай хулосага келдим, — деди у.— Агар сен дўстим, қайта ишланган металлардан чиққан қириндиларни бир жойга йиғса, мана шу цехдан баланд тепалик ҳосил бўлардик. Ҳамиша омон бўлгин, дўстим!— деди у.

Ўғил ўз отасига муносиб бўлиш, қўлга олган эстафетани меҳнатнинг мураккаб йўлидан бир умр шараф билан олиб ўтишга сўз берди.

Отанинг ўз ўғли Валерийга меҳнат эстафетасини топшириши гоят ҳаяжонли бўлди.

— Қадирли ўғлим! Ватанимизда йўллар кўп. Сен қайси касбни истасанг шуни эгаллашинг мумкин. Лекин шуни бир билки, мен учун «Ишчи» сўзи гоят муътабардир. Сен бизнинг ишимизни муносиб давомчиси бўлгин!

Валерий Тарасовнинг илтимосига биноан оркестр «Бепоён дир менинг Ватаним!» маршини ижро этди.

Р. ПЛУНГЯН.

Ю





СУРАТЛАРДА: Николай Максимович Тарасовга эсдалик совғаси топширилмоқда. Н. Тарасов ўғли Валерийга ўз иш қуролларини топшираётир. М. Нуриддинов фотолари.

◆ *Бизнинг интервью*

# НАВОИЙ КЎЧАСИНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

Александр ЗАДОРОЖНИЙ,
Свердловск қурилиш-монтаж поезди партия ташкилотининг секретари.

НАВОИЙ кўчасидан Энгельс кўчаси томон бораверишда бир неча осмонўпар улкан бинолар қад кўтараяпти. Бизнинг қурувчиларимиз шундан иккитасини бунёд қилишмоқда. Кўчанинг чап томонида ичкарироққа қурилаётган тўққиз қаватли бино ўзининг салобати билан проспект жамолини янада очиб юборади.

Шу кунларда бинода иш жуда қизғин олиб бориляпти. Йигит ва қизларимизнинг қўли-қўлга тегмайди. Ҳозир пардозлаш ишлари боряпти. Бир неча кундан кейин сўнгги бўёқларни беришга киришамиз.

108 оилани ўз бағрига оладиган бу бинода ҳар бир кишн яйраб истиқомат қилади. Ҳамма шароит муҳайё этилади. Азаматлар бинони 30 июнь куни фойдаланишга топширишга сўз беришган.

Қурилишда 250 киши ишлаяпти. Коммунистлардан прораб А. Ф. Клестер, участка бошлиғи А. М. Коляснков, пайвандчилар бригадаси бошлиғи П. Ф. Кожевников, бригада бошлиғи Г. С. Понамарева ва бошқалар сидқидилдан билан меҳнат қилиб, бинокорларга бош-қош бўлишяпти.

Бу уй қурилишини тугатгач, унинг ёнидаги тўққиз қаватли тўрт уйни пардозлашга киришамиз. Қўшни бино 56 квартираликдир. Уни бир ой ичида қўлдан чиқарамиз.


Қурувчиларимиз шу уйларнинг қаршисида минг ўринли 3 қаватли ўрта мактаб, 280 ўринли болалар боғчаларини қуриб беришган. Уларда бахтиёр фарзандларимиз тарбияланишмоқда. Бундан ташқари Олой бозори олдида қаторасига бир қатор тўрт қаватли уйларни ҳам қуриб фойдаланишга топширганмиз.

Қўрувчиларимиз ўз меҳнатидан жуда ҳам мамнун. Чунки улар қардош ўзбек халқига бир умрлик совға тайёрлашмоқда.

Биз айни пайтда ишлаш билан бирга вақтида яхши дам оляпмиз. Яқинда қурувчилар шаҳарчасида Тошкентда иш бошлаганимизнинг уч йиллигига бағишлаб машъала кечасини ўтказдик. Байрам катта тантана билан ўтди. Унда совет-монгол ёшлари дўстлик фестивалининг қатнашчилари иштирок этишди.

Қурувчилар шаҳарчасида ҳар оқшом кино, концерт кўрсатилиб, спорт мусобақалари ўтказилади.

Биз Тошкентда меҳнат қилиб қардошлигимиз янада мустаҳкамланаётганидан ҳурсандмиз.



СУРАТДА: Навоий кўчаси бўйлаб қардош РСФСР бинокорлари қураётган янги турар-жой бинолари. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

● *Корхоналар бир меъёрда ишласин*

# ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНСИН!

Ўзбекистон пойтахтининг саноати, мамлакат халқ хўжалигига тракторлар ва пахта териш машиналарини, компрессорлар ва технология ускуналарини, экскаваторлар ва газмолларни, пойафзал ва трикотажларни, кенг халқ истеъмол буюмларини тобора кўплаб етказиб бермоқда.

Кўплаб ишчи коллективлари беш йилликнинг тўртинчи йили учун қабул қилган оширилган социалистик мажбуриятларини ўз вақтида шараф билан бажармоқдалар.

Шаҳар статистика бошқармасининг шаҳардаги заводлар, фабрика ва ишлаб чиқариш-техника ташкилотларининг ўтган беш ойлик иш фаолияти натижалари ҳақидаги маълумоти шулардан дарак бериб турибди.

Киров райони меҳнаткашлари эришган янги ютуқлар кишини қувонтиради. Бу райондаги саноат корхоналари, транспорт, алоқа ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари илгаригидек илғорликни қўлдан бермаяптилар. Беш ойлик топшириқ муваффақиятли бажарилиб, халқ хўжалигига пландан ташқари ўнлаб минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Масалан, «Юлдуз» тикувчилик фирмаси топшириққа қўшимча равишда 500 минг сўмлик; тамаки фабрикаси 154 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва реализация қилди. «Узбексельмаш» заводи колхоз ва совхозларга планга қўшимча ўнлаб минг сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари жўнатди. «Ўртоқ» кондитер фабрикаси пландан ташқари 60 минг сўмлик ширинлик ишлаб чиқарди ва реализация қилди.

Шаҳар енгил саноат корхоналарининг ишни яхши олиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Фабрика ва фирмалар ой сайин давлат планларини оширибгина қолмай, балки бажариш билан мажбурият шартномаларини ўз вақтида уддалаяптилар, ассортимент бўйича маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар ва маҳсулотларнинг сифатини оширмоқдалар.

Масалан «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси, тўқимачилик комбинати, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, 3-тикувчилик, ҳанол, 1- ва 2-пойафзал фабрикалари планга қўшимча равишда ўнлаб ва юзлаб минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар ҳамда буюмларнинг бир қанча янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Ҳамза районидаги «Ташэлектромаш» «Ташсельмаш» заводи, «Ташкентвино» ва қоғоз комбинати ишни яхши йўлга қўйди.

Шунинг билан бирга шаҳардаги бир қатор заводлар ҳали ҳам ишлаб чиқаришда орқада қолмоқдалар. Масалан, Куйбишев район саноат корхоналари беш ойлик маҳсулот реализация қилиш ҳажмини 94,5 процент бажарди.

Чилонзор районининг саноат корхоналари ишни яхши олиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Фабрика ва фирмалар ой сайин давлат планларини оширибгина қолмай, балки бажариш билан мажбурият шартномаларини ўз вақтида уддалаяптилар, ассортимент бўйича маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар ва маҳсулотларнинг сифатини оширмоқдалар.

Масалан «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси, тўқимачилик комбинати, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, 3-тикувчилик, ҳанол, 1- ва 2-пойафзал фабрикалари планга қўшимча равишда ўнлаб ва юзлаб минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар ҳамда буюмларнинг бир қанча янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Ҳамза районидаги «Ташэлектромаш» «Ташсельмаш» заводи, «Ташкентвино» ва қоғоз комбинати ишни яхши йўлга қўйди.

Шунинг билан бирга шаҳардаги бир қатор заводлар ҳали ҳам ишлаб чиқаришда орқада қолмоқдалар. Масалан, Куйбишев район саноат корхоналари беш ойлик маҳсулот реализация қилиш ҳажмини 94,5 процент бажарди.

Чилонзор районининг саноат корхоналари ўз банкидан 2 миллион сўмдан зиёд қарздор бўлиб қолди.

«Главташкентстрой»нинг саноат корхоналарида ҳамон иш кўнгилдагидек эмас. Шу бошқарманинг корхоналарида иш қониқарсиз олиб борилганлиги натижасида умумшаҳар саноат маҳсулотлари реализация қилиш плани бажарилмай қолди.

Қуйида 1969 йилнинг 5 ойида маҳсулот реализация қилиш планини бажара олмаган корхоналар ҳақида шаҳар статистика бошқармасидан олинган маълумотни ўқийсиз.

Ю

**КУЙБИШЕВ РАЙОНИ БЎЙИЧА:**
(планга нисбатан процент ҳисобида)
«Узбекхлопкомаш» заводи — 86,4 процент;
4-темир-бетон буюмлар заводи —63,7 « »
4-трест қурилиш материаллари комбинати —32,2 « »
9-трест қурилиш материаллар комбинати —62,4 « »

**ЛЕНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА**
«Гордорстройтрест»нинг асфальт-бетон заводи —72,1 процент;
«Гордорстройремонт»нинг темир-бетон буюмлар заводи —51,9 « »
«Электробитприбор» заводи —81,1 « »
Вагон-ремонт заводи 55,7 « »

**ОКТЯБРЬ РАЙОНИ БЎЙИЧА:**
Дурадгорлик буюмлари заводи —51,7 процент;
Керамзит заводи —45,8 « »
9-темир-бетон буюмлар заводи —42,8 « »
«Висотстрой» трести қурилиш материаллари комбинати —58,9 « »
Шина ремонт заводи —76,7 « »

**ФРУНЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА:**
1-ёғочни қайта ишлаш заводи —58,5 процент;
1-«Отделстрой» трести қурилиш материаллари комбинати —47,1 « »

**ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ БЎЙИЧА:**
5-темир-бетон буюмлар заводи —73,3 процент;
Марказий ҳунар-техника мактаби—68,1 « »
«Жилстрой» трести қурилиш материаллари комбинати —56,5 « »

**СЕРГЕЛИ РАЙОНИ БЎЙИЧА:**
Темир-бетон шпаллар ва конструкциялар заводи —66,7 процент;
Норуда материаллар карьери —46,5 « »
Ишлаб чиқариш корхоналар комбинати —54,1 « »

**ҲАМЗА РАЙОНИ БЎЙИЧА**
Қўйлиқ асфальт-бетон заводи —44,7 процент;
Санитария-техника ускуналар заводи —67,9 « »
1-уйсозлик комбинати —31,4 « »
3-қурилиш трести қурилиш материаллари комбинати —78,8 « »

**КИРОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА:**
Подшипник заводи —96,5 процент;
5-ғишт заводлари бошқармаси —77,2 « »
Асфальт-бетон заводи —45,4 « »

## ОЛИМЛАР ЙИҒИЛИШИ

Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида ўқитувчи ва аспирантларнинг илмий-тадқиқот ишларига ҳар йили якун ясаш одат тусига кирган.

Куни-кеча бу ерда доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан олий ўқув юрти олимларининг катта анжумани бўлиб ўтди.

Конференциада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор Г. А. Кожевников, профессорлардан Т. К. Татур, Н. А. Кенесарин, доцентлардан А. Ҳайдаров Х. Аҳмедов, М. С. Луценко ва бошқа ўртоқларнинг докладлари тингланди.

Олимларнинг бу йиғилишида 187 доклад тингланди. Шунингдек, конференцияда йирик лойиҳа институтларининг таниқли мутахассислари, Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари ҳам сўзга чиқдилар.

Отанинг ўз ўғли Валерийга меҳнат эстафетасини топшириши гоят ҳаяжонли бўлди.

— Қадирли ўғлим! Ватанимизда йўллар кўп. Сен қайси касбни истасанг шуни эгаллашинг мумкин. Лекин шуни бир билки, мен учун «Ишчи» сўзи гоят муътабардир. Сен бизнинг ишимизни муносиб давомчиси бўлгин!

Валерий Тарасовнинг илтимосига биноан оркестр «Бепоён дир менинг Ватаним!» маршини ижро этди.

Р. ПЛУНГЯН.

Ю





СУРАТЛАРДА: Николай Максимович Тарасовга эсдалик совғаси топширилмоқда. Н. Тарасов ўғли Валерийга ўз иш қуролларини топшираётир. М. Нуриддинов фотолари.

◆ *Бизнинг интервью*

# НАВОИЙ КЎЧАСИНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

Александр ЗАДОРОЖНИЙ,
Свердловск қурилиш-монтаж поезди партия ташкилотининг секретари.

НАВОИЙ кўчасидан Энгельс кўчаси томон бораверишда бир неча осмонўпар улкан бинолар қад кўтараяпти. Бизнинг қурувчиларимиз шундан иккитасини бунёд қилишмоқда. Кўчанинг чап томонида ичкарироққа қурилаётган тўққиз қаватли бино ўзининг салобати билан проспект жамолини янада очиб юборади.

Шу кунларда бинода иш жуда қизғин олиб бориляпти. Йигит ва қизларимизнинг қўли-қўлга тегмайди. Ҳозир пардозлаш ишлари боряпти. Бир неча кундан кейин сўнгги бўёқларни беришга киришамиз.

108 оилани ўз бағрига оладиган бу бинода ҳар бир кишн яйраб истиқомат қилади. Ҳамма шароит муҳайё этилади. Азаматлар бинони 30 июнь куни фойдаланишга топширишга сўз беришган.

Қурилишда 250 киши ишлаяпти. Коммунистлардан прораб А. Ф. Клестер, участка бошлиғи А. М. Коляснков, пайвандчилар бригадаси бошлиғи П. Ф. Кожевников, бригада бошлиғи Г. С. Понамарева ва бошқалар сидқидилдан билан меҳнат қилиб, бинокорларга бош-қош бўлишяпти.

Бу уй қурилишини тугатгач, унинг ёнидаги тўққиз қаватли тўрт уйни пардозлашга киришамиз. Қўшни бино 56 квартираликдир. Уни бир ой ичида қўлдан чиқарамиз.

Қурувчиларимиз шу уйларнинг қаршисида минг ўринли 3 қаватли ўрта мактаб, 280 ўринли болалар боғчаларини қуриб беришган. Уларда бахтиёр фарзандларимиз тарбияланишмоқда. Бундан ташқари Олой бозори олдида қаторасига бир қатор тўрт қаватли уйларни ҳам қуриб фойдаланишга топширганмиз.

Қўрувчиларимиз ўз меҳнатидан жуда ҳам мамнун. Чунки улар қардош ўзбек халқига бир умрлик совға тайёрлашмоқда.

Биз айни пайтда ишлаш билан бирга вақтида яхши дам оляпмиз. Яқинда қурувчилар шаҳарчасида Тошкентда иш бошлаганимизнинг уч йиллигига бағишлаб машъала кечасини ўтказдик. Байрам катта тантана билан ўтди. Унда совет-монгол ёшлари дўстлик фестивалининг қатнашчилари иштирок этишди.

Қурувчилар шаҳарчасида ҳар оқшом кино, концерт кўрсатилиб, спорт мусобақалари ўтказилади.

Биз Тошкентда меҳнат қилиб қардошлигимиз янада мустаҳкамланаётганидан ҳурсандмиз.



СУРАТДА: Навоий кўчаси бўйлаб қардош РСФСР бинокорлари қураётган янги турар-жой бинолари. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

# «Баҳор» Москвада

*Кеча*

«Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблининг раққоса қизлари, хушовоз ашулачилари, уста созандалари Ватанимиз пойтахти Москва шаҳрига жўнаб кетдилар. Яна бир неча кундан кейин «Баҳор» ансамбли бошланади. Раққосалар Ленинград, Харьков, Иваново, Горький, Рязань, Ульяновск, Саратов, Қозон ва бошқа шаҳарларнинг меҳнаткашлари ўртасида ўз санъат ва маҳорат ларини намойиш этадилар. Улар Россия Федерациясида ўтказиладиган Ўзбекистон санъати кунларида ҳам қатнашадилар.

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотларининг лауреати Мукаррама Турғунбоева бадиий раҳбар бўлган ансамбль коллективининг бу галги гастролларига улуғ куни В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган дамларда ўтмоқда. Бу нарса ансамбль қатнашчиларй зиммасига масъулият юклайди. Чунки «Баҳор»нинг янги программаси раққосаларнинг доҳий юбилейига бағишланган ижодий ҳисоботидир.

## Совет ҳукумати Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматини таниди

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик фронтининг Москвадаги доимий ваколатхонаси бошлиғи Данг Куанг Минни кеча Кремлда қабул қилди ва Совет ҳукумати халқлар озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ленинча принципларига амал қилиб ҳамда Жанубий Вьетнам халқининг олиб бораётган қаҳрамонларча курашига чуқур хайрихоҳлик билан қараб Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматини танганлигини маълум қилди.

Данг Куанг Минь Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати ва барча халқи номидан Совет Иттифоқи ҳукуматининг мана шу муҳим янги қарори муносабати билан КПСС Марказий Комитетига Совет ҳукуматига, Совет Иттифоқи халқларига самимий миннатдорчилик изҳор қилди. Совет Иттифоқи ҳукуматининг бу қарори Жанубий Вьетнам мустақиллиги, демократия, тинчлик ветарафдорлари ўзлида Сайгон милитаристлари тўдасига ва империалистин босқинчиларга қарши Жанубий Вьетнам халқининг олиб бораётган озодлик курашини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаётганлигининг яна бир ифодасидир.

## *Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг раиси Хюинь Тан Фат жанобларига*

Совет ҳукумати Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматини танганлигини билдиради.

Раис жаноблари, Муваққат революцион ҳукуматнинг бошлиги лавозимига тайинланишингиз билан сизни табриклайман ҳамда сизга ва сиз бошқараётган ҳукуматга Жанубий Вьетнам халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда муваффақиятлар тилайман.

А. КОСИГИН.
СССР Министрлар Советининг Раиси
Москва, Кремль
1969 йил 13 июнь.

# СССР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

СССР ҳукумати шу йил 29 мартда Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига мурожаат қилиб, совет—хитой чегарасидаги вазиятни нормаллаштириш юзасидан дарҳол амалий чоралар кўришни таклиф этган эди. Совет ҳукумати ўз баёнотида ХХР ҳукуматини чегарада Даманский ороли районида бўлгани каби мушкулликлар туғдира оладиган ҳаракатлардан тийилиб туришга, келишмовчиликлар рўй берган тақдирда, уларни осойишта вазиятда ва музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишга чақирди.

Совет ҳукумати чегаранинг айрим участкаларида чегара чизиғини аниқлаш мақсадида маслаҳатлашувни яна тиклашни таклиф этди. Бу маслаҳатлар 1964 йилда Пекинда бошланган эди ва Хитой томони уни тўхтатиб қўйган эди. Совет томони 15 апрелни СССР ва ХХР вакиллари биринчи марта учраша оладиган кун деб белгилади ёки «Хитой томони учун қулай бўлган бошқа энг яқин вақтни белгилаш кераклигини айтди.

Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати шу йил 24 майда ўз жавобини берди. Бу жавобдан маълум бўлишича, ХХР ҳукумати музокаралар олиб бориш тўғрисидаги таклифга қўшилади. бу музокараларнинг вақти ва ўрнини дипломатик йўл билан келишиб олишга тайёр эканлигини билдиради ва ҳарбий куч ишлатишга қарши чиқади.

Шундай қилиб, музокараларни бошлашга йўл очилгандек бўлиб туюлган эди.

Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги вазият ҳозир фақат Хитой томонининг ҳаракатлари туфайлигина кескинлашди. Хитой ҳукумати ҳам СССР билан ХХР ўртасида нормал муносабатларни сақлашни, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципини тан олиш, территориал бутунлик ва даҳлсизликни ҳурмат қилиш зарур деган фикрга асосланиб иш кўрадиган бўлса, у ҳолда чегарадаги вазият яна нормал тус олади. Воқеаларнинг шу тариқа ривожланиши совет халқининг туб манфаатларига ва, биз аминмизки, хитой халқининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушган бўлур эди.

## I.

ХХР ҳукуматининг баёнотида Совет Иттифоқи олдига бир қанча даъво ва талаблар қўйилади. Бундай даъво ва талабларни қўйиш учун андаккина бўлса ҳам ҳеч қандай асос йўқ ва бу даъво ҳамда талаблардан фақат бир мақсад, яъни Хитой томонидан илгари вужудга келтирилган мушкулликни янада кучайтириш мақсади кўзда тутилиши мумкин. Совет ҳукуматининг фикрича, бундай факт музокаралар олиб бориш учун қулай муҳитни вужудга келтиришга ёрдам бермайди.

Хитой томони, афтидан, мамлакатларимиз ўртасидаги чегаралар қандай таркиб топганлигини сохталаштириш ва атайин бузиб кўрсатиш йўли билан хитой томони учун мақбул бўлган, лекин ҳақиқатга асло тўғри келмайдиган тасаввурни вужудга келтириш ниятида Россия билан Хитой ўртасидаги муносабатлар тарихига доир баъзи фактларга баҳо беришга аҳд қилган бўлса керак.

Шу билан бирга, «ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаган шартномалар» деб аталмиш шартномалар тўғрисидаги масала яна биринчи ўринга қўйилади. ХХР ҳукумати Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ҳозирги чегараларни белгиловчи шартномаларни шу ном билан атайди. Хитой ҳукумати ўтган асрларда йўл қўйилган «адолатсизлик»ни бартараф қилиш ҳақида қасддан ўйлаб чиқарилган баҳона билан азалдан совет территорияси бўлиб келган бир ярим миллион квадрат километр ерга нисбатан бўлган даъвосини асослашга уринади.

Хитой ҳукумати СССР билан ХХР ўртасида чегараларнинг ўтиш чизиғини аниқлаш масаласини (1964 йилдаги маслаҳатларда шу тўғрида гап борган эди) муҳокама қилмай, балки хитой томони эндиликда тарихни ва шартномаларни ўзича талқин қилиш нуқтаи-назаридан янги Хитой-Совет чегараси тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш билан шуғулланишни истайди.

Бошқа давлатларга нисбатан территория даъволари Хитойнинг ташқи сиёсати ва пропагандасида жуда катта ўрин олганлигига эътибор бермаслик мумкин эмас. Хитой раҳбарлари бир замонлар хитой фотиҳлари бостириб кирган ёки бостириб кирмоқчи бўлган ерларни ҳозирги кунда даъво қилмоқдалар.

Шу хилдаги пропаганда бугун ёки кеча бошлангани йўқ. Бу пропаганда ўтган замонлардаги феодалларнинг босқинчилик сиёсатини кўкларга кўтариб мақташ. 1949 йилдан кейин дарслик ва хариталар чиқариш йўли билан аста-секин кучайтирила борди. Ана шу дарслик ва хариталарда бошқа давлатларнинг бир қанча ерлари Хитой ери деб тасвирланди. Шундан кейин территория даъволар расмий суратда илгари сурила бошланди.

60-йиллардан бошлаб экспансиячилик муддаолари очиқдан-очиқ Совет Иттифоқи томонига ҳам қаратилди. Хитой томони тарихий маълумотларни ўз билганича талқин қилиб ёки бундай маълумотлар йўқлигини эътиборга олмай СССР билан ХХР ўртасида территория масаласи деб аталмиш масалани ҳар қандай қилиб бўлса ҳам вужудга келтиришга, улар ўртасидаги мавжуд чегарага нисбатан шубҳа туғдиришга интилмоқда. Бу ҳол бизни масаланинг ҳақиқий томонини ёритишга мажбур этади.

Совет ҳукуматининг 29 мартдаги баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, Совет-Хитой чегараси узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижасидир. Россия давлатининг Хитой билан ўзаро муносабатлари эндигина ўрнатила бошланган чоқда улар ўртасида одамлар кам яшаган ёки бутунлай яшамайдиган бепоён кенг ярим даштликлар ва тайга ерлари бор эди. Ўша даврда Хитой давлатининг шимолий чегараси, масалан, сал кам 4000 километр узунликдаги Буюк Хитой девори билан белгиланган эди. Маълумки, ана шу девор Амур ва Уссури дарёларидан бир минг километрдан ортиқ ғарби-жанубдаги масофада жойлашган.

XVII асрнинг биринчи ярмида руслар кўчиб келиб, Приамурни ўзлаштира бошлаган пайтга келиб, Маньчжурия Хитойга қарам бўлмаган мустақил давлат эди ва унда этник жиҳатдан хитойлардан (ханлардан) тамомила бошқача бўлган халқ жойлашган эди. Бундан ташқари, Хитойнинг ўзи шу даврда мустақилликдан маҳрум бўлди ва маньчжурлар Пекинни ишғол қилиб (1644 йил) цинлар династияси ҳукмронлигини хитой халқига мажбуран қабул қилдирганларидан кейин Хитой Маньчжурия давлатининг бир қисми бўлиб қолди. Маньчжурия XIX асрнинг охиригача аслида алоҳида давлат — императорлар оиласига қарашли ер бўлиб, хитойларнинг бу ерга кўчиб жойлашуви ва хўжалик ишлари билан шуғулланиши тақиқланган эди.

XVII асрнинг охирида Маньчжурия императори Канси Амур бўйидаги Албаз воеводлигида бўлган рус қишлоқларига қарши бир қанча ҳарбий юриш уюштирди. Шу муносабат билан Маньчжурия ҳарбий бошлиқларининг ўз императорига йўллаган докладида қуйидагилар қайд қилинган эди: «...Шарқи-шимолдаги илгари ҳеч қачон Хитойга қарашли бўлмаган бир неча минг ли майдонни эгаллаган ерлар сизнинг ерингизга қўшиб олинди». Маньчжурия босқинчилари ана шу рус ерларини бир қанча вақт ўз қўлларида ушлаб турганлар.

Маньчжурия ҳукмронлари XVII асрнинг охири — XVIII асрнинг бошида Монголияни босиб олдилар, ойратларнинг жунғархонлигини тугатдилар, бир миллиондан ортиқ кишини — бу хонликда яшовчи аҳолининг катта қисмини қириб ташлаб, Шарқий Туркистон (Қашқар)даги уйғурлар давлатини ўзларига бўйсундирдилар. Шу вақтгача Синьцзян (таржима қилганда «янги чегара» деган маънони англатади) деб аталиб келган ва уйғурлар, қозоқлар, қирғизлар, дунганлар ҳамда бошқа миллатлар яшаган жуда кенг вилоятлар шу йўл билан цин императорлари ҳукмронлиги остида қолди. Айни вақтда маньчжур-хитойлар ғарби-жанубда ва жануб томонда экспансия қила бошладилар.

Реал фактларга ўз билганича юзаки қарамай, балки бу фактларга асосланиб иш кўрилса, ҳақиқий аҳвол ана шундай тарзда намоён бўлади. Цин Хитойи қандайдир ташқи агрессия объектигина бўлиб қолган эмас. Маньчжурия-Хитой императорлари—боғдихонлар хитой халқини эзиб, талончилик, мустамлакачилик сиёсатини зўр бериб амалга оширганлар, бошқа мамлакатлар ва бошқа халқларнинг ерларини бирин-кетин ўз қўл остидаги ерларга қўшиб олганлар. Хитойнинг ҳозирги чегараларидаги территорияси мазлум миллатларни мажбуран хитойлаштириш, уларни қириб ташлаш йўли билан вужудга келган. Аммо Хитойнинг ҳозирги тарихшунослари боғдихонлар ва мандаринларнинг ҳуружларидан экспансиячилик ниятларини оқлаш учун фақат «далил» сифатида фойдаланмоқчи бўладилар.

Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасида кўп замонлар илгари вужудга келган чегара ана шу икки давлат халқларининг табиий тоғ ва дарё марралари бўйлаб яшаган ерларини акс эттирди ва акс эттирмоқда. Бу чегара бошдан — охиригача шартномалар, протоколлар, карталар билан юридик жиҳатдан аниқ ва равшан расмийлаштирилган.

Амур дарёси бўйлаб ўтган чегарани расмийлаштирган Айгун шартномаси 1858 йил 16 майда Айгун шаҳрида Россия давлатининг вакили генерал-губернатор Н. Муравьев ва Дайци («Улуғ цин») давлатининг вакили Хайлунцзян, бош қўмондони И—Шан томонидан имзоланган. Шу билан бирга, шартноманинг кириш қисмида айтилганидек, бу шартнома «ўзаро келишилиб, икки давлатнинг буюк, абадий, ўзаро дўстлигини, уларда яшовчи фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб» тузилди. Шартнома Боғдихоннинг 1858 йил 2 июндаги фармойиши билан тасдиқланган, 1858 йил 8 июлда Россия томонидан ратификация қилинган.

Тяньцзин шартномаси 1858 йил 1 июнда Тяньцзин шаҳрида Россиянинг Хитойдаги император комиссари Путятин ва Хитойнинг юқори мартабали вакили хитой амалдори Хуа Шан томонидан имзоланган. Шартнома Россия билан Хитой ўртасидаги чегаранинг аниқланмаган қисмлари ҳар иккала ҳукуматнинг ишончли шахслари томонидан жойларда дарҳол текшириб чиқилишини кўзда тутган эди. Бу шахсларнинг «чегара чизиғи тўғрисида келишиб олишлари» кўзда тутилган эди. Тяньцзин шартномасида яна бундай дейилган: «чегараларни белгилаш юзасидан чегарадош ерларнинг батафсил тасвири ва хариталари тайёрланади. Булар келгусида ҳар иккала ҳукумат қўлида чегаралар тўғрисидаги бахс этилмайдиган ҳужжатлар бўлиб хизмат қилади».

Ана шу келишувни амалга ошириш юзасидан 1860 йил 2 ноябрда Пекинда шартнома тузилган. Бу шартнома Айгун ва Тяньцзинда илгари тузилган битимларни таъкидлаб ўтган, шунингдек Уссури дарёси бўйлаб ўтган чегарани белгилаган. Пекин шартномасини Россия давлатининг вакили Н. Игнатьев ва Дайци давлатининг вакили «И—Син номли шаҳзода Гун» имзолаган. Ҳар иккала томон Пекин шартномасида бу шартнома «...ҳар иккала империя ўртасидаги ўзаро дўстликни янада мустаҳкамлаш учун, савдо муносабатларини ривожлантириш ва англашилмовчиликларнинг олдини олиш учун» тузилганлигини таъкидлаган 1861 йилда Уссури ўлкасидаги чегараларнинг хариталари ва тасвирларини айирбошлаш тўғрисидаги протокол бу шартномага унинг таркибий қисми сифатида илова қилинган.

Юқорида зикр қилинган шартномаларнинг ҳаммаси, шунингдек, Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасидаги чегараларни белгиловчи бошқа ҳужжатлар иккала мамлакатнинг давлатлараро ҳужжатлари сифатида ҳозирда ҳам ўз кучини сақлайди Буни инкор қилиш иложи бўлмаганлиги сабабли. Хитой томони ана шу юридик актларнинг қонуний эканлигига шубҳа туғдиришга уринмоқда ва бунда очиқдан-очиқ сохталаштириш йўлига ўтмоқда.

ХХР ҳукуматининг баёнотида 1860 йилда Пекинда тузилган шартномага илова қилинган ва чегара чизиғининг ўтишини кўрсатган харита гўё, «чор Россияси томонидан бир томонлама тузиб чиқилган» деб даъво қилинади. Бу мутлақо нотўғри. Дарҳақиқат, хариталарни айирбошлаш тўғрисидаги протоколни 1861 йил 16 июнда бир томондан Россия давлатининг мухтор комиссарлари П. Козакевич ва К. Будогосский, иккинчи томондан, Дайци давлатининг мухтор комиссарлари Чен Ци ва Цзин Чунь имзолаганлар. Шартномага Россия ва Хитойнинг расмий муҳрлари босилган.

Протоколда бундай дейилган: «Харита ва тасвирларнинг ҳамма нусхалари узил-кесил текшириб чиқилганидан кейин», яъни «чегара чизиғини кўрсатиб, рус ва маньчжур тилларида тузилган ва Пекин шартномасига илова қилинган икки харита «ва» шунингдек, Уссуридан тортиб денгизгача ўтган чегаранинг тўрт харита ва тасвири «узил-кесил текшириб чиқилганидан кейин» уларнинг бир-бирига тамомила мувофиқ эканлиги аниқланди». Сўнгра протоколда айтиладики, «Россия давлатининг биринчи комиссари чегаранинг рус ва маньчжур тилларида тузилган батафсил харитасининг бир нусхасини Дайци давлатининг биринчи комиссари қўлига топширди. Дайци давлатининг биринчи комиссари эса харитани қабул қилиб олиб, худди шу тилларда тузилган айни бир хил харитани Россия комиссарига топширди. Шундай қилиб, Уссуридан тортиб денгизгача ўтган чегара тасвирлаб берилган бошқа тўрт харита ҳам айирбошланди. Рус ва хитой вакиллари барча хариталарга имзо чекканлар ва муҳр босганлар. Аммо Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ҳужжатларда қайд қилинган фактларга хилоф суратда хариталар «бир томонлама» тузилган, деб даъво қилади.

Хитой ҳукуматининг баёнотида, Даманский ороли «азалдан Хитой территорияси бўлиб келган» деб, Уссури дарёси эса, 1860 йилгача «Хитойнинг ички дарёси эди» деб даъво қилинади. Лекин тарихий фактлар бу фактнинг ҳам бошқача бўлганлигидан далолат беради. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Хитой давлатининг шимолий чегаралари маньчжурлар Хитойни забт этганига қадар, Буюк Хитой девори бўйлаб ўтган ва Уссури дарёсига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Ўша вақтларда маньчжурларнинг ўзлари Ляодун ярим ороли ва Ляохэ дарёси районида, яъни Амур ва Уссури дарёларидан 800 километр ва ундан кўпроқ жанубда ва ғарби-жанубда истиқомат қилганлар. Маньчжурлар ўз империясининг шимолий чегараларини XVII асрнинг 70-йиллари охирида — 80-йиллари бошларида «мажнунтол тўсиғи» деб аталган ҳамда Мукден яқинидан ўтган истеҳкомлар ва соқчилик манзилгоҳлари чизиғи бўйлаб белгилаганлар. Бу чизиқни давлат чегара соқчилари муҳофаза қилган ҳамда маньчжур фуқароларининг «тўсиқ» ташқарисига чиқиши чет элга жўнаб кетиш билан баравар деб ҳисобланган. Жумладан, Маньчжурия империяси қуролли кучларининг Хитойда машҳур бўлган тарихий тасвири — «Баци тунчи чуцзи» ана шундан далолат беради. «Мажнунтол тўсиғи» қолдиқларини ҳозир ҳам кўриш мумкин. Шу тариқа Уссури дарёси маньчжурларнинг ҳам «ички дарёси» бўлиши мумкин бўлмаган ва шундай бўлган ҳам эмас.

Чор Россияси билан маньчжур хитойларнинг Цин империяси ўртасидаги давлат чегараси Приморьеда XIX асрнинг иккинчи ярмида 1860 йилги Пекин шартномасига биноан ўтказилган эди. Уссури дарёси Россия билан Хитой ўртасидаги чегара деб белгиланган, бунинг устига 1861 йилда унга илова қилинган протоколларга биноан, дарё участкаларидаги «чегара чизиғи» харитада қизил чизиқ билан кўрсатилган эди. Даманский ороли районида бу чизиқ дарёнинг бевосита Хитой соҳили бўйлаб ўтказилган ва, бинобарин, бу орол «чегара чизиғи»нинг совет томонида бўлиб, Хитойга эмас, балки Совет Иттифоқига тегишлидир.

Шу нарса ҳаммага маълумки, халқаро ҳуқуқда чегара дарёларидаги чегараларни дарёнинг асосий фарватери ўртасидан автомат равишда ўтказиладиган нормалар мавжуд эмас. Давлатлар тегишли шартномаларни тузганларида чегарани шароитга мувофиқ равишда ўзлари маъқул топган жойдан ўтказишни белгилайдилар. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда чегарани фарватер бўйлаб эмас, балки дарёнинг бир соҳили бўйлаб ўтказилганлигини кўрсатувчи мисоллар бор. Коста-Рика билан Никарагуа ўртасидаги 1858 йилги шартномага биноан, чегара чизиғи Сан-Хуан дарёси ўнг соҳили бўйлаб ўтказилган ва «Никарагуа республикаси шу дарёнинг сувларига хўжайинлик қилиш ва суверен юрисдикция ҳуқуқидан тўла равишда фойдаланади». Бошқа мамлакатлар ўртасидаги битимларда ҳам дарёлардаги чегаралар шу тарзда белгиланган.

1860 йилги рус-хитой Пекин шартномаси ана шундай мисолларнинг яна биридир .Чегара чизиғи фарватерга мос келиши шарт эмаслиги 1951 йилда тузилган чегара дарёларида сузиш тартиби тўғрисидаги Совет—Хитой битимида ҳам ўз ифодасини топган. Битимнинг 1- моддасида ҳар иккала томоннинг чегара дарёларида кемалар «давлат чегараси чизиғи қаердан ўтишидан қатъий назар», асосий фарватер бўйлаб суза берадилар. дейилган.

1964 йилда Пекинда ўтказилган консультациялар вақтида Совет томони Хитой томонининг соҳилдаги хитой аҳолиси билдирган манфаатдорликка асосланиб. айтган истакларини ҳисобга олиб. СССР билан ХХРнинг чегара чизиғини ўзаро ёнбериш асосида Амур ва Уссури дарёлари бўйлаб ўтказиш тўғрисида келишиб олишга ўзининг тайёр эканлигини билдирди ва хитой томони ўз навбатида чегаранинг айрим участкаларидаги совет аҳолисининг манфаатларини ҳам эътироф қилишга тайёр эканлигини кўрсатсин, деган шартни қўйди.

Шундай қилинганда томонларнинг кескинликни йўқотиш ва чегарадаги осойишталикни сақлаб туриш интилишига асосланиб оқилона келишиб олинган бўлур эди.

Ўша вақтда бир битимга эришилмади, чунки Хитой вакиллари асоссиз территориал даъволар ва бошқа талаблар қўйиш билан консультацияларни чигаллаштириб юбордилар, бу талаблар мавжуд Совет—Хитой чегарасини белгиловчи ҳамма шартномаларни ҳам шубҳа остида қолдирар эди.

ХХР ҳукуматининг шу йил 24 майдаги баёнотида «Хитой билан Россия ўртасидаги давлат чегараси тасвирига хилоф равишда Қашқар районида» Россия 1884 йилда Хитойнинг 20 минг квадрат километрдан ортиқ территориясини оккупация қилиб олди. деб даъво қилинади. Ҳолбуки, 1884 йил 22 майдаги протокол Хитой томони тилга олган Памир районига мутлақо таааллуқли эмас. мазкур протоколни ўқиб кўрган ҳар бир киши бунга ишонч ҳосил қила олади. Россия ва хитой комиссарлари Россиянинг собиқ Фарғона области билан Хитойнинг Қашқар области ўртасида Бедел довонидан Уз-Бел довонигача бўлган участкасидаги Тянь-Шань тоғлари районида чегара ўтказиш билан шуғулланганлар ва ўз ишлари тамом бўлганидан кейин 1884 йил 22 майда мазкур протоколни имзолаганлар. Памирдан ўтказилган чегара 1894 йилда ноталар айирбошлаш йўли билан расмийлаштирилган. ўша вақтда томонлар Памирдаги Сарикўл тизмаси бўйлаб ўтган ва «ўзлари эгаллаб турган позициялардан ташқарига чиқмаслик» тўғрисида келишиб олган эдилар. Шу кунгача ана шу чегара чизиғининг ўзигина мавжуд бўлиб турибди.

Ҳаммага маълум бўлган фактлар манзарасида Хитойнинг ғарб участкасидаги чегараси «Балхаш кўли бўйлаб ўтади» деган мулоҳазалар ҳам, юмшоқ қилиб айтганда, бемаъни бўлиб кўринади. Юқори Иртишдаги Россия истеҳкомлари ва манзилгоҳларига XVIII асрнинг бошларидаёқ асос солинган эди. Шимолий ва Шарқий Қозоғистондаги қозоқ жузлари (уруғлари) 1731—1740 йиллардаёқ Россия фуқаролигига ўтган эдилар.

Шу вақтда маньчжурларнинг Цин империяси Марказий Осиёдаги ҳозирги Синьцзян районини забт этиш ҳамда Жунғория билан Шарқий Туркистонда истиқомат қилувчи ойратлар, уйғурлар, қозоқлар ва бошқа халқларнинг қаршилигини бостириш билан машғул эди. Цин империяси ерларининг ғарбий чегараси Балхаш кўлидан бир неча юз километр наридан ўтар эди.

Маньчжурлар 1758 йилда Жунғорияни босиб олганларидан кейин қозоқлар билан қирғизларнинг манзилгоҳларига вақти-вақти билан талончилик босқинлари қила бошладилар. Қозоғистонда ҳам, Ўрта Осиёдаги ҳозирги Совет Социалистик Республикаларининг бошқа жойларида ҳам Цин империясининг ҳеч қандай ҳарбий ва граждан органлари бўлган эмас. маньчжурлар ёки хитойларнинг ҳеч қандай граждан аҳолиси ҳам бу ерда бўлмаганлигини гапириб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ.

Шундай қилиб, тарихий фактлар шундан далолат берадики. Хитойнинг ғарбдаги чегараси Ганьсу ва Сичуань вилоятларидан нарига чиққан эмас ва Балхаш кўлига ҳеч қачон етган эмас.

## II.

Совет ҳукумати ўзининг шу йил 29 мартдаги баёнотида Совет Иттифоқининг тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномаларга нисбатан қандай муносабатда эканлиги тўғрисидаги масалага ва Хитой томонининг ана шу тамомила равшан масала хусусида жамоатчилик фикрини чалғитиш йўлидаги уринишларига тўхталиб ўтган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейиноқ Лениннинг декретларига биноан, чет давлатлар билан, шу жумладан Хитой билан чор Россияси тузган ҳамда тенг ҳуқуқли бўлмаган ва яширин шартномалар бекор қилинган эди. Совет давлатининг бу тадбири унинг барча мамлакатлар билан, шу жумладан Хитой билан дўстлик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини ривожлантиришга бел боғлаганлигини ифодалар эди.

РСФСР ҳукуматининг Хитой халқига ҳамда Жанубий ва Шимолий Хитой ҳукуматларига 1919 йил 25 июлда қилган мурожаатида Россия билан Хитой ўртасидаги қайси шартномаларни Совет ҳукумати тенг ҳуқуқли шартномалар эмас деб қараши кўрсатилган эди.

Хитойдаги таъсир доираси тўғрисида, экстерриториаллик ва консуллик юрисдикцияси ҳуқуқлари ҳақида, Хитой территориясидаги концессиялар тўғрисида, «боксерлар қўзғолони» бостирилгандан кейин империалистик мамлакатларнинг Хитойга зўрлаб қабул қилдирилган контрибуциясидаги Россиянинг улуши ҳақида гап борган шартномалар бекор этилган. деб эълон қилинган эди. Совет Россияси шу сингари шартномалар Хитой билан тузилганми, ёки Хитой хусусида бошқа мамлакатлар билан тузилганми, бундан қатъий назар, ана шу шартномаларнинг ҳаммасидан воз кечган эди.

Ана шу таклифлар РСФСР ташқи ишлар халқ комиссарлигининг 1920 йил 27 сентябрдаги нотасида таъкидланган бўлиб, бу нотада Совет ҳукумати 1919 йил 25 июль мурожаатида баён этилган принципларга оғишмай риоя қилади ва шу принципларни Хитой билан Россия ўртасидаги дўстона битимга асос қилиб олади, деб таъкидланган эди.

Тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномаларнинг бекор қилиниши СССР билан Хитой Республикаси ўртасидаги масалаларни бартараф этиш учун умумий принциплар тўғрисида 1924 йил 31 майда тузилган битим билан расмийлаштирилган эди.

1919 йил мурожаатида ҳам, Совет Иттифоқи билан Хитой Республикаси ўртасидаги 1924 йилги битимда ҳам ҳозирги Совет-Хитой чегарасининг ўтказилишини белгиловчи шартномалар тенг ҳуқуқли бўлмаган ёки яширин тарзда тузилган шартномалар қаторига қўшилганлиги кўрсатилган эмас ва кўрсатилиши мумкин ҳам эмас эди. Уларни бекор қилиш ва қайтадан кўриб чиқиш ҳақида сўз ҳам бўлмаганлиги табиий.

Совет давлати Хитой билан тузилган ва тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномаларни бекор қилганлигини яқин вақтларгача ХХР раҳбарларининг ўзлари ҳам таъкидлаб келган эдилар. Мао Цзэдун «Совет Иттифоқи тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномалардан биринчи бўлиб воз кечди ва Хитой билан тенг ҳуқуқли асосларда янги шартномалар тузди», деган гапни ХКП нинг 1945 йилги VII съездида айтган ва шу гапни 1949 йил 16 декабрда яна такрорлаган эди. Энди эса, Хитойнинг баёнотига қараганда, Хитойнинг сиёсатини белгилаб берувчи кишилар тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномаларга чек қўйган Лениннинг декретларини эмас, балки Чингизхон, Канси ва бошқа феодалларнинг истилоларини устун қўймоқдалар, бу феодаллар «Хитойнинг улуғ давлат арбоблари ва саркардалари», деб кўкларга кўтарилмоқда.

Хитой ҳукумати Хитой билан Россия ўртасидаги чегара тўғрисидаги шартномаларнинг «тенг ҳуқуқли эмаслиги» тўғрисидаги ўз даъволарини тўғри қилиб кўрсатишга уриниб, ҳатто марксизм-ленинизм классиклари асарларидан олинган цитаталарни сохталаштиришга ҳам ҳаракат қилмоқда. У чор Россиясининг сиёсатига қарши қаратилган гапларни тарихий шароитдан ажратиб олган ҳолда ўзбошимчалик билан талқин қилмоқда. Масалан, В. И. Лениннинг «Хитойдаги уруш» мақоласидан олинган ва чоризмнинг бошқа империалистик давлатлар қатори «боксерлар қўзғолони»ни (1900 йилдаги ихэтуанларнинг халқ қўзғолонини) бостиришдаги иштироки қораланган гаплари ўшандан 40 йил муқаддам тузилган ва В. И. Ленин мақоласида тилга ҳам олинмаган Айгун ва Пекин шартномалари «тенг ҳуқуқли эмас эди» деган тезисни «исботлаш» учун келтирилади.

Шу нарса ҳаммага равшанки, 1917 йилда Улуғ Октябрь социалистик революцияси амалга оширилгач, Совет Иттифоқи халқлари ва Совет ҳукумати чор Россиясининг Шарқ халқларига нисбатан ўтказиб келган золимлик сиёсатига барҳам берибгина қолмай, ўзларининг тарихий ҳужжатлари, ўзларининг амалий ишлари билан барча мамлакатлар меҳнаткашларининг манфаатларига мос бўлиб тушувчи тамомила янги синфий сиёсат ўтказиш намунасини ҳам бутун инсониятга кўрсатдилар.

Совет давлатининг ҳужжатларидан биронтасида ҳам, В. И. Ленин айтган гапларнинг биронтасида ҳам Хитой билан чегаралар тўғрисидаги шартномалар тенг ҳуқуқли бўлмаган ёки қараб чиқилиши лозим бўлган шартномалар қаторига қўшилган эмас. В. И. Ленин ҳеч ерда ва ҳеч қачон СССР нинг Хитой билан чегарасини шубҳа остида қолдирган эмас.

В. И. Ленин раҳбарлиги остида Совет Узоқ Шарқини япон ва бошқа чет эл босқинчиларидан озод қилиш учун олиб борилган кураш халқимизнинг қаҳрамонона ишлари йилномасига абадий ёзилиб қолган Маньчжуриядаги хитой милитаристларининг чегарамизга ҳамла қилиш йўлидаги уринишларини ва япон агрессорларининг Совет Социалистик Ватанини ҳимоя қилишдаги бизнинг иродамиз ва қатъиятимизни синаб кўриш иштиёқини Совет Иттифоқи зарбага учратди.

Хитой боғдихонларининг халққа қарши экспансиячилик сиёсатига доир ҳамма гаплар ХХР ҳукуматининг 24 май баёнотида эҳтиёткорлик билан четлаб ўтилганлиги асло тасодифий ҳол эмас, албатта. ХХР ҳукумати ижтимоий ҳодисаларни баҳолашга синфий муносабатда бўлишни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, аслида истилочилар ва халқларнинг золимлари бўлган хитой феодалларигина адолатли бўлганлар, қолган бошқа ҳамма кишилар адолатсиз бўлганлар, деб исбот қилишга уринади ва чор самодержавиеси ағдариб ташланиши билан бирга, Россия давлатининг чегаралари ҳам йўқ қилиниши лозим эди, деган хулоса чиқаради.

ХХР ҳукуматининг баёнотида рўкач қилинган принципларга кўра, территорияларнинг қайси давлатга тегишли эканлигини шу территорияларда истиқомат қилувчи халқ эмас, балки ўтмишдаги юришлар тўғрисидаги хотиралар белгилар эмиш. Башарти ана шу принцип қабул қилинадиган бўлса, Латин Америкаси, афтидан, Испания подшоси ҳукмронлигига ва АҚШ Буюк Британия қарамлигига ўтказилиши лозим бўлур эди. Искандар Зулқарнайннинг вориси бўлган Греция, эҳтимолки, ҳозирги Туркия, Сурия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг ўз қўлига топширилишини талаб қилиб қолиши мумкин бўлар эди.

Масала шу тахлитда қўйиладиган бўлса, давлатлар ўртасидаги муносабатлар қай аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини ХХР ҳукумати яқин вақтларгача тушуниб келган эди. Масалан, давлат кенгашининг бош министри Чжоу Эньлай 1960 йил октябрь ойида: «Башарти ҳамма йироқ тарихий даврларга бориб тақалувчи ҳисоб-китобларини тўғрилаб олишга киришадиган бўлса, бутун дунёда тартибсизлик келиб чиққан бўлур эди», деб айтган эди. Кўриниб турибдики, ҳозирги вақтда Хитойдагилар бу масала хусусида тамомила қарама-қарши нуқтаи назарга амал қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасида аслида ҳеч қандай территориал масала йўқ. Совет томонининг чегарадаги мавжуд аҳволни бузганлиги тўғрисида ҳам, «Хитой территорияси босиб олинганлиги» тўғрисида ҳам ҳеч қандай сўз бўлган эмас, бўлиши ҳам мумкин эмас. Совет халқи ва унинг қуролли кучлари Амур ва Уссури дарёларида, Памир ва Тянь-Шанда мамлакатимизнинг айни бир хил чегараларини 50 йилдан буён қўриқлаб келмоқдалар. Бу чегаралар аввалдагидек ҳозирда ҳам даҳлсиздир. Совет чегарасини кесиб ўтиш йўлидаги ҳар қандай уринишга қақшатқич зарба берилади.

Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг шу йил 24 майдаги баёнотида, шунингдек ХХР давлатининг бошқа талайгина ҳужжатларида Совет давлатини ва совет халқини таҳқир этадиган ва туҳматдан иборат бўлган кўп уйдирмалар, сохта даъволар борлигига Совет ҳукумати эътибор бермай қололмайди. СССР ҳукумати бу хилдаги уйдирмаларни рад этишни ўзи учун номуносиб, деб ҳисоблайди. ХХР ҳукуматининг баёнотида ҳақорат ва таҳқир сўзлари шу қадар кўп учрайдики, буларни хитой томонининг низоли масалаларни конструктив тарзда ҳал этиш йўлини қидириб топишни астойдил истаётганлигини кўрсатувчи далил деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Шу муносабат билан Совет ҳукумати хитой маъмурлари томонидан Совет чегарасида уюштирилаётган иғвогарликлар давом этаётганлиги каби фактга ҳам эътибор бермай қололмайди. Айни вақтда ХХРнинг расмий арбоблари ва органлари бехаёлик билан советларга қарши кампанияни авж олдириб юбордилар. Бу кампания ҳозир Хитой шаҳар ва қишлоқларига ёйилган. Советларга қарши кайфиятни кучайтириш, Совет Иттифоқи гўё Хитойга ҳужум қилмоқчи, деб хитой аҳолисини шунга ишонтириш учун Хитойнинг бутун пропаганда машинаси ишга солинди. Бундай даъволарнинг бемаънилиги аёндир. Соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси совет халқи тинч, бунёдкорлик меҳнати билан банд эканлигини, коммунизм қураётганлигини, ҳеч кимга ҳужум қилмаганлигини ва ҳужум қилиш ниятида ҳам эмаслигини яхши биладилар.

## III.

СССРнинг хитой халқига нисбатан сиёсати ҳеч қачон ўзгармади ва ўзгармай қолаверади; бу сиёсат узоқ муддатга мўлжалланган перспективага асосланади. Совет ва хитой халқларининг туб манфаатлари бир хил эканлигини эсдан чиқарганимиз йўқ. Совет Иттифоқи Хитой билан яхши қўшничилик ва дўстлик тарафдори, ҳар иккала давлатимиз ўртасидаги муносабатларни мушкуллаштира оладиган нарсаларнинг ҳаммасини бартараф қилиш тарафдоридир. Совет ҳукумати дўстлик, бирлашиш ва ҳамкорлик қилишдан иборат ленинча интернационал сиёсатни хитой ва совет халқлари ўртасига нифоқ солувчи кишиларга қарама-қарши қўяди: Социал ва миллий озодлик тарафдори бўлган тинчликсевар кучларнинг бирлиги ва жипслиги уларнинг империализм томонидан қилинадиган таҳдид ва очиқдан-очиқ ҳужумлар устидан ғалаба қозонишларининг гаровидир.

Совет ҳукумати ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш тўғрисидаги таклиф билан ХХР ҳукуматига бир неча бор мурожаат қилди. Бу масала Хитой томони олдига бир неча марта қўйилди, жумладан 1965 йилнинг февраль ойида ва 1966 йилнинг март ойида қўйилди. Ўша вақтда низоли масалаларнинг ҳаммасини батафсил муҳокама қилмоқ учун юксак даражада икки томонлама учрашув ўтказиш таклиф қилинган эди.

СССР ҳукумати ўзининг 29 март баёнотида чегара тўғрисидаги амалда бўлган қонунларга асосланиб, чегаранинг айрим участкаларида чегаранинг ўтиш чизиқларини аниқлаш масаласини муҳокама қилмоқ учун Совет Иттифоқи ва ХХР вакилларининг маслаҳатлашувини яна бошлашни таклиф этди. СССР ҳукумати, маслаҳатлашиш тўғрисидаги таклифини ҳозирда ҳам таъкидлайди. лекин, бунинг учун олдиндан ҳеч қандай шарт қўйилмаслиги керак, албатта.

Совет томони келишмовчиликлар бўлмаган чегара участкалари бўйича томонларнинг бир фикрга келганлигини қайд қилиб, келишмовчиликлар бўлган айрим участкаларда шартнома ҳужжатлари асосида ўзаро маслаҳатлашиш йўли билан чегара чизиғининг ўтиш жойларини тушуниб билиб олиш; табиий ўзгаришларга дучор бўлган участкаларда чегара чизиғини белгилаган вақтда амалдаги шартномаларга асосланиб иш кўриш, ўзаро ён бериш ва шу участкаларда яшовчи маҳаллий аҳолининг иқтисодий манфаатдорлиги принципларига риоя қилиш; ўзаро келишувни томонларнинг тегишли ҳужжатларга имзо чекиши билан қайд қилиш тарафдоридир.

Совет томони Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг «тегишли замин мавжуд бўлган ва ҳозирги Совет — Хитой чегараси тўғрисидаги шартномалар асос қилиб олинган вақтда ҳуқуқий, тенглик, ҳамжиҳатлик ва бир-бирига ён бериш йўли билан маслаҳатлашиш принципларига амал қилиб, чегарадаги айрим участкаларда масаланинг тегишинча ҳал этилишига йўл қўйиш мумкин» деган фикрига қўшилади.

СССР ҳукумати шу нарсага асосланадики, келажакдаги маслаҳатлашувларда масалаларни амалий ва конструктив тарзда муҳокама қилиш муҳитини ҳозирданоқ вужудга келтирмоқ учун бу мақсадга эришишга халақит берадиган барча ғовларни бартараф қилиш зарур. Шу муносабат билан СССР ҳукумати ХХР ҳукуматининг баёнотида томонлар чегарада можароларга йўл қўймасинлар, уларнинг чегара посбонлари ўз бурчларини бажарган вақтда қурол ишлатмасинлар, бир-бирларига қарши ўт очмасинлар, мавжуд давлат чегараларини қўриқлаш вақтида пайдо бўладиган масалаларни фақат тинч воситалар билан ҳал этсинлар, деб айтилган мулоҳазаларни яхши тушунади. Шу билан бирга томонларнинг чегарани ҳар қандай баҳоналар билан бузиши каби ҳолларни бутунлай йўқотиш зарур. Совет чегара посбонлари ва граждан шахслари бу тартибга қаттиқ риоя қилмоқдалар. СССР ҳукумати Хитой чегара посбонлари ва граждан шахсларига ҳам тегишли кўрсатмалар берилади, деб умид қилади.

Совет ҳукумати 1964 йилда тўхтаб қолган маслаҳатлашувни яқин 2—3 ой ичида Москвада яна бошлашни таклиф этади. Маслаҳатлашувнинг конкрет вақтини дипломатик йўл билан келишиб олиш мумкин. Совет ҳукумати СССРнинг министр ўринбосари даражасидаги мухтор вакили П. И. Зиряновни маслаҳатлашувда қатнашувчи Совет делегациясининг бошлиғи қилиб тайинлайди.

Совет ҳукумати ХХР ҳукуматининг маслаҳатлашувни давом эттириш муддатлари ва жойи тўғрисида юқорида айтилган таклифлар ўзи учун мақбул бўлишини тез орада маълум қилишини кутади.

Башарти, ХХР ҳукумати Совет— Хитой чегарасидаги вазиятни нормаллаштиришга тайёр бўлса, бунинг учун йўл очиқ.

1969 йил 13 июнь.

* * *

Совет ҳукуматининг бу баёноти ХХРнинг Москвадаги элчихонаси орқали Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига юборилди.

# ЭРТАГА — МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ



## ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ соғлиғи ва бахт-саодати учун чексиз ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу улкан ғамхўрликни ҳамиша ҳис этиб турибмиз.

Октябрь инқилобидан илгари Тошкентда 12 та 278 ўринлик унча катта бўлмаган касалхона бор эди. Аҳолига 40 врач ва 115 та ўрта малакали медицина ходимлари хизмат қиларди. Улар табийки, медицина хизматини ҳозиргига ўхшаш яхши ташкил қила олмас эдилар. Медицина ёрдами ҳарбий хизматчиларга ва маҳаллий бойларгагина кўрсатилар эди. Маҳаллий аҳоли эса, илмий медицинадан хабари бўлмаган табибларга мурожаат қилишга мажбур эди.

Шаҳарнинг ифлослиги, медицина ва санитария-эпидемия муассасаларнинг етишмаслиги, меҳнаткашлар аҳволининг оғир бўлиши чечак, вабо, ўлат, ич терлама, безгак, ришта, махов, заҳм, сил ва бошқа турли касалликларнинг кенг тарқалишга олиб келар, бу касалликларнинг кўпчилиги вақти-вақти билан қирғинга олиб келиб, минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритар эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг янгидан ташкил қилинган соғлиқни сақлаш органлари олдига жуда ҳам катта ва мураккаб вазифалар, яъни малакали медицина ёрдамини халққа яқинлаштириш, ҳамма меҳнаткашларга етарли хизмат кўрсатиш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифалар жуда оғир шароитда бўлсада, ҳал қилинди.

Ҳозир шаҳримизда соғлиқни сақлаш ишлари мисли кўрилмаган даражада гуркираб ўсди ва ўсмоқда. Тошкентда 100 дан ортиқ даволаш-профилактик муассасалари бўлиб, буларда 5.698 врач (шундан 966 таси ўзбек хотин-қизлари), 13.229 ўрта малакали медицина ходимлари ишлаяптилар. Шаҳар аҳолисига касалхоналар ва поликлиникалар хизмат қилмоқда. Булар рентген асбоблари, физиотерапевтик ускуналар ва бошқа энг янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Бизда она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш асосий ўринда туради. Ҳозир Тошкентда 2060 ўринлик туғруқхоналар ва 11 та хотин-қизлар консультациялари ишлаб турибди. Саноат корхоналарида хотин-қизларнинг шахсий гигиена хонаси, эмизувчи оналар хонаси ташкил қилинган.

Ўсиб келаётган авлодга катта эътибор берилмоқда. Шаҳарда 400 дан ортиқ болалар богчаси ва яслилари ишлаб турибди. 70 та шаҳар атрофи пионер лагерлари ва санаторийларида 70.000 дан ортиқ бола ҳар йили дам олади ва даволанади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ соғлиги тўғрисидаги доимий ғамхўрлигини республика марказида соғлиқни сақлаш учун ажратилаётган маблағларнинг узлуксиз ўсишидан ҳам кўриш мумкин. Ҳозир шаҳримизда ҳар бир киши саломатлиги учун йилига 40 сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда.

Кейинги икки-уч йил ичида шаҳримизда 8, 11, 14, 25, 30, 31-поликлиникалар, 10, 11-болалар поликлиникаси, 2, 6, 9, 10-туғруқхоналар, иккита тери ва таносил касалликлари диспансери очилди.

Халқ соғлигини сақлашга ўз куч-қувватларини сарфлаётган медицина ходимларининг ишларини ҳамшаҳарларимиз юқори баҳоламоқдалар.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги юбилейига тайёргарликни кучайтирган шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари келгусида янада катта ютуқларга эришадилар, деб ишонч билдирамиз.

**Р. ҚОДИРОВ,**
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.



**СУРАТДА: Тошкентдаги геология асбоблари ремонт-механика заводининг пешқадам токари коммунистик меҳнат зарбдори Геннадий Гулшаков. У беш йиллик топшириқларини шу йилнинг октябрь ойида бажаради.**



**«Главташкентстрой» бинокорлари шаҳримизнинг Тимирязев кўчасида Урта Осиёда ягона бўлган янги тиш даволаш клиникасини қуриб фойдаланишга топширдилар. Бир неча кундан сўнг бу клиника республикамиз аҳолисига хизмат кўрсата бошлайди.**
**СУРАТДА: клиниканинг кўриниши.**



**6-шаҳар медицина тез ёрдам кўрсатиш бўлимининг 39 кишидан иборат коллективи Киров ва Куйбишев районларининг аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу коллективга коммунистик меҳнат бригадаси унвони берилган.**
**СУРАТДА: станциянинг бир группа ходимлари (чапдан ўнгга) ҳамшира Г. Ҳайдарова, фельдшер Х. Ҳакимов ва шофёр В. Безруков ўртоқлар.**

## ОҚ ХАЛАТЛИ КИШИЛАР

Ленинободлик Ашурбой отанинг кўзлари дардга чалинди. Дард қурғур ўз кучини кўрсата борди. Аста-секин, вақт ўтиши билан кўриш қобилияти сустлашиб қолди. Бемор кўп врачларга кўрсатди. Ўзгариш бўлмади. Орадан анча вақт ўтгач, отанинг кўзлари кўрмай қолди.

Ота бошини икки қўли орасига олиб, соатлаб ҳаёл суриб ўтирарди. Унинг таниш-билишлари отага йирик мутахассисларга кўрсатишни айтишарди. Ёруғ оламни кўрмаслик қандай даҳшат эканлигини ота энди тушунган эди. Дўст-биродарлари ва қўшнилари билан Ашурбой Ниёзматов Тошкентга келтирилди.

Тажрибали мутахассислар кўзни фақатгина операция қилиш йўли билан очиш мумкинлигини айтишди.

Пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган республика кўз касалликлари клиникаси Ашурбой отани қабул қилиб олди. Беморни тажрибали зиёкор, олий категорияли жарроҳ Собир ака синчиклаб кўрди. Беморнинг дардга чалинганидан бошлаб то батамом кўрмайдиган бўлиб қолган даврчага бўлган жамики тафсилотларини ўрганди, таҳлил қилди. Операцияга узоқ ва жиддий тайёргарлик кўрилди. Не-не орзу умидлар билан келган отанинг орзуси пучга чиқиб қолса-я, деган нурсиз фикр гоҳи-гоҳида Собир ака-ни умидсизликка олиб бориб қўярди...

Юксак дид, кўп йиллик иш тажрибаси, тиббиёт сирларини пухта эгаллаганлиги қўл келди. Собир ака операцияни муваффақият билан тугатди. Лекин унинг кўнгли тинчимасди. Олдинда энг ҳаяжонли ва ҳал қилувчи дақиқалар турарди. Жарроҳ уйида ҳам тинчгина ухлай олмади. Уни тинчлантирмаётган нарса кўзга бойланган бинтни ечиш дақиқалари эди.

Ҳар эҳтимолга қарши беморни олдиндан огоҳлантириб қўйилди. Қаттиқ ҳаяжон, ўта қувонч ҳам кўнгилсиз воқеага сабаб бўлиши мумкин. Сезиларсиз даражадаги ортиқча ҳаракат ҳам бутун қилинган меҳнатни пучга чиқариши муқаррар. Ахир жарроҳлик ниҳоятда ўткир зеҳнлилик, юксак билим соҳиби, эҳтирос ва ўз ишига уста бўлишни тақоза қилади-да.

Отанинг кўзига боғланган қатлам-қатлам бинтлар игна билан қудуқ қазилгандек секин, аста олиняпти. Операция хонаси жим, худди сув қуйгандек.

Собир ака ўзини босиб жиддий турибди. Унинг пешонасида майда тер томчилари пайдо бўлди. Жарроҳнинг шу жўшқин ва ҳал қилувчи дақиқаларда ҳаёлини нималар қамраб олганини тасаввур қилиш қийин эди.

Сўнгги ўрам бинт ҳам олинди.

—Отахон, аста чап кўзингизни очинг,— деди Собир ака ҳаяжонланиб ва секин қўшиб қўйди.— Узингизни тутинг...

—Кўряпман, кўряпман!— отанинг сўзлари хонада жаранглади, бу, дунёда энг бахтли одамнинг овози эди.

Эшикда пойлаб турган отанинг ўғил-қизлари, қариндошлари ва ёру биродарларининг кўзларида маржон-маржон қувонч ёшлари қўринди. Қўлларини артиб, ҳарир оппоқ халатнинг енгларини аста туширибгина, эшикка чиқаётган Собир акани ҳамма қуршаб олди, юрак сўзларини айтишди.

— Ҳечқиси йўқ, бу менинг кундалик ишим, — деди камтарлик билан жарроҳ.

Собир Умаров ўн олти йилдан бери кўз касалликлари бўйича мутахассис бўлиб ишлайди. У ўз фаолияти даврида неча юзлаб беморларни шифолади.

Собир ака ихтисослаштирилган республика кўз касалликлари клиникасида бош врач ёрдамчиси бўлиб ишлаши билан бирга, ажойиб устоз, талабчан раҳбардир.

У хизмат қилаётган касалхонада талантли, етук шифокорлардан доцент Муҳаммаджон Комилов, медицина фанлари кандидати Қутбихон Аслонова, ассистентлар Убайдулла Тошмуҳамедов, С. Зарипов, Қўчқор Ёқубов каби олов, меҳри дарё зиёкорлар ўзларининг одамийликлари, шифокорларга хос меҳрибонликлари билан беморларнинг таҳсинига сазовар бўлишмоқда. Бу ажойиб шифокорларга чин юракдан ташаккур айтамиз.

**А. ҲОЖИХОНОВ.**

**В. П. Чкалов номли Тошкент авиация заводининг шифохонаси замонавий медицина аппаратлари ва юқори малакали медицина мутахассислари билан таъминланган. Ўтган йили бу йирик шифохонага коммунистик меҳнат коллективи унвони берилди.**
**СУРАТДА: шифохонанинг хирургия бўлимида операция пайти.**
**М. Нуриддинов фотолари.**

● *Ташвишли сигнал*

## ЧАЛА ҚОЛДИ

**Ленин районидаги «Новий путь» кўчаси илгари районнинг обод ва кўркам кўчаларидан саналарди. Бу кўчада ва унинг I, II, III проездларида юзлаб якка тартибда солинган янги участкалар, қўшқаватли бинолар, магазинлар ва бошқа маданий-маиший бинолар мавжуд.**

**Лекин ана шу обод кўча кейинги бир йил ичида қуримсиз, ўнқир-чўнқир ерга айланди. Кўчадан олиб ўтилиши зарур бўлган водопровод учун қилинаётган ишлар чала қолдирилганича ётибди. Бу ерда ер ковланиб, катта трубалар ётқизилган-у, кўмилмай ташлаб кетилган.**

**Эски Полвон ариқ ҳам ана шу кўчадан ўтган. Бу ариқдан аэропорт олдидаги гулзорлар, водоканал ерлари суғорилади. Ҳозир бу ариқда сув кўп. Аммо водопровод учун кўча ковланганда сув олиб ўтиш учун қувур ўрнатилмади. Эски қувур эса ер қазиш вақтида синдириб юборилди. Ҳозирда аҳоли бу қувурни тузатолмай сарсон. Чунки қувур тузатилиши билан машина ўтиб, боягисидай қилади-кетади. Натижада, оқиб келаётган катта сув кўчага тошади. Кўчанинг қачон ўз ҳолига келтиришади?!**

**Т. УСМОНОВ,**
**С. МИРРАЖАБОВ,**
**Т. ТОҲИРОВА.**

**ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ**

## Устоз



1945 йилда университетнинг география факультетини тамомлади ва Тошкент халқ хўжалиги институтига ишга юборилди.

Лукмон ака институтда лекция ўқий бошлаган биринчи йилларданоқ бошлабоқ студентлар орасида ҳурмат қозона бошлади. Унинг лекцияларини талабалар катта эътибор билан эшитишди, савол-жавоблар ҳам қизиқарли ўтарди.

Институтнинг кундузги, кечки ва сиртқи факультетларида дарс бериш билан Лукмон ака «Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва жойлашиши» деган темада илмий иш олиб борди ва 1967 йилда шу темада кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Бугун Тошкент халқ хўжалиги институти коллективи Лукмон Ўтеевнинг 50 ёшга тўлган куни, илмий-педагогик фаолиятининг 25 йиллигини нишонламоқда.

Юбилар бу санани илмий фаолиятида янги муваффақиятлар билан қарши оляпти. У, «Қорақалпоғистон экономикаси» ҳақидаги йирик монографиясини нашрга тайёрлади. Шу комплекс темага доир қатор мақолаларни илмий тўпламларда эълон қилди.

Ўтеев институтда актив жамоатчи ёш ўқитувчиларнинг устози ва маслаҳатчиси, шаҳар «Билим» жамиятининг жонкуярларидан биридир.

Камтарин устоз, чуқур билим эгаси, чарчамас олим Лукмон Ўтеевнинг 50 йиллигини нишонлар эканмиз, унинг мингларча шогирдлари ҳамкасблари номидан қизғин табриклаймиз, унга узоқ умр, илмий-педагогик фаолиятида янги муваффақиятлар тилаймиз.

**Ҳ. СОБИРОВ,**
Тошкент халқ хўжалиги институти молия кафедрасининг мудири.

## *В. И. Ленинга бағишланади*

**БУХОРО. Тошкент политехника институтининг бухородаги умумтехника факультети мажлислар залида ўқитувчилар ва студентларнинг илмий-назарий конференцияси тўрт кун давом этди. Бу конференция В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланди. Конференцияда ўттиздан ортиқ доклад қилинди. Докладчиларнинг кўпи Ленининг улуғ васиятлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.**

**Конференцияда шаҳардаги саноат корхоналарининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари, ер ости бойликларини қидириб топувчилар қатнашди.**



**СУРАТДА: почтамт шаҳарлараро телефон пунктининг ишчан ходимларидан Елена Живкова ва Тамара Колодинская ўртоқлар.**

● *Партия турмуши*

## ЯКУНЛОВЧИ МАШҒУЛОТЛАРДА

Чкалов номли Тошкент авиация заводини баъзан завод — академия деб аташади. Бу ерда ўқимаётган ва ўз билимини оширмаётган кишини топиш жуда қийин. Турли олий ўқув юрти ва техникумларда таълим олаётган студентлар билан бирга корхонанинг ўзида ҳам ҳар хил техникавий курслар, кўп тармоқли халқ университети, «Билим» жамиятининг лекторийси мавжуд.

Ишчиларнинг кўпчилиги партия маорифи системасида ўз сиёсий билимларини оширади. Деярли 200 пропагандист сиёсий мактаблар, назарий ва проблематик семинарлар, комсомол тўгарак лари ва клублари тармоқларига бошчилик қилади. Ўқув йилининг охирида ҳамма ерда якунловчи машғулотлар ўтказилди. Бу машғулотлар назарий конференция ва суҳбатлар, зачет ва имтиҳон тарзида ўтказилиб, кўпчилик тингловчиларнинг чуқур билим олганликлари таъкидланди.

Тажриба конструкторлик бюросидаги конкрет экономикани ўрганиш семинарида — «СССР да иқтисодий реформа — социалистик хўжаликда ленинча принципларни амалга оширишдан иборатдир» темасида якунловчи машғулот ўтказилди.

Тажрибали пропагандист И. А. Бекпўлатов томонидан бошқарилган бу семинар яхши натижа берди. У олий инженерлик ва сиёсий маълумотга эга бўлган пропагандист, иқтисод фанлари кандидати сифатида семинарнинг 19 қатнашчисида яхши таассурот қолдириш учун машғулотларда янги-янги услублардан фойдаланди. Пропагандист сиёсий маориф кабинети методистларининг ёрдами билан барча тингловчиларни қизиқтирган материаллардан ўз суҳбатларида фойдаланиб борди. Бу ерда машғулотлар Марксннинг иқтисодий назарияси, В. И. Ленин асарлари билан ва социалистик хўжаликни бошқаришда ленинча принципларга амал қилиш йўли билан корхона олдида турган конкрет вазифалар, техника прогрессини ривожлантириш, ишлаб чиқаришда планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича системасини амалга ошириш билан боғлаган ҳолда олиб борилди.

Пропагандистнинг суҳбатида, сўзга чиққанлар ва тингловчиларнинг рефератларида бу проблемалар авиация саноатининг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талқин этилди.

Якунловчи машғулотларда иқтисодий реформа ҳар томонлама муҳокама қилинди. Ҳар бир масала социалистик экономиканн бошқаришда ленинча принциплар қандай амалга оширилаётганлиги юзасидан қараб чиқилди. Муҳокама вақтида кўпгина ажойиб фикрлар, қимматли таклиф ва маслаҳатлар берилди.

Олинган билимлар тингловчиларнинг жамоат ишидаги актнвлигини оширди. Инженер Н. С. Муродов ўқув мобайнида катта муваффақиятларга эришди. Сиёсий билимини оширган партия бюроси секретарининг ўринбосари сифатида унга конструкторлар ўртасида мафкуравий ишларни яхши йўлга солиш имконияти берди. Инженер М. Г. Салим марксизм-ленинизм асослари мактабининг пропагандисти, конструктор Х. Т. Пўлатов сиёсий ахборотчи бўлиб қолди.

Инженер В. И. Балаканец бошқараётган асбобсозлик цехидаги марксизм-ленинизм асослари мактабида якунловчи машғулотлар яхши натижа берди. Бу ерда ленинча назарий меросни ўрганилди. Асосан ишчилардан иборат бўлган 20 тингловчининг ҳаммаси бу йил В. И. Ленининг «Давлат ва революция» ҳамда миллий масалага доир асарлари билан танишдилар. Масалан, якунловчи машғулотларда механик А. И. Сухачев давлатнинг келиб чиқиши ва аҳамияти ҳақидаги саволга жуда яхши жавоб берди. Шлифовкачи Х. Шорасулов пролетариат диктатурасининг аҳамиятини яхши тушунтириб берди. Шунингдек, токарь В. П. Перепала, фрезеровкачи И. Г. Бурхоновлар ҳам ҳар бир саволга тўла жавоб беришди.

Қўюв цехида цех меҳнат ва иш ҳақи бюросининг бошлиғи пропагандист Н. Ф. Федоренко ленинча назарий меросни ўрганиш бўйича машғулотларга якун ясади. У Тошкент политехника институтини тамомлаб, марксизм-ленинизм институтида ўқиган.

Н. Ф. Федоренко тез-тез методика советидан консультация олиб, энг яхши пропагандистларнинг тажрибасини ўрганади, шахсий кутубхонасини марксизм-ленинизм классикларининг асарлари билан бойитиб боради. Буларнинг ҳаммаси унга қўл келмоқда. Бу ерда В. И. Ленининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асари юзасидан якунловчи машғулотлар ўтказилди. Моделчи Б. Т. Туробов ва копировачи О. Узбекова, қуювчи И. Гребков ва кокилкачи Д. Фахриддинов, кесувчи Л. Атакчев ва рандаловчи В. Тўрабоев каби ўртоқлар яхши ва аъло баҳо олдилар. Суҳбатда Ленин пролетариат диктатурасининг тарихий тезислари чуқур анализ қилиниб, унинг синфий моҳияти ва характери, пролетариат диктатурасида коммунистик партиянинг тутган ўрни ҳақида гап юритилди. Тўгарак аъзолари революцион ҳолат ва унинг асосий белгилари тўғрисида батафсил гапирдилар.

Машғулот охирида энг яхши тингловчилардан бири коммунистик меҳнат зарбдори А. Худойқулов Ленининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асарининг халқаро аҳамияти тўғрисида гапирди.

Бундан ташқари, заводда 22 та тўгарак мавжуд бўлиб, унда комсомол сиёсий маорифи машғулотлари ўтказилади. У тўгаракларда ишлаб чиқариш билан банд бўлган 500 дан ортиқ ёшлар билим олишмоқда. Айниқса, «Кругозор» тўгараги корхонада кенг ўрин олган. Бундай тўгаракларнинг бирида сўнгги машғулотлар муваффақиятли ўтди. Корхона асбобсозлик цехида ташкил қилинган бу тўгаракни коммунист Владимир Бойков бошқаради. Барча тингловчилар, айниқса, коммунистик меҳнат зарбдорлари Юра Цыганов, ишлаб чиқариш илғорлари А. Медведьев, Е. Саянк ва бошқалар ўқув программасини муваффақиятли ўзлаштириб, намунали ишламоқда. Ҳар бир тингловчи — жамоатчи ва агитаторлардир. «Кругозор», «Бизнинг ленинча комсомол» ва бошқа тўгараклар 7-9 синф маълумотига эга бўлган ёшларга мўлжалланиб, тўгараклярни коммунистлар бошқаради комсомол сиёсий системасидаги 22 тўгарагининг 21 тасига партия аъзолари раҳбарлик қиладн.

Бундан ташқари, комсомоллар ёш марксистлар университетида ўқишади. «Глобус» сиёсий клубига қатнашади. Кўпчилик ёшлар олий ўқув юртлари ва техникумларда ўз билимларини оширишмоқда.

Тошкент авиация заводидаги партия ўқуви йили ленинча голий мероски чуқур ўрганишга катта ёрдам берди.

**Р. ГРИШИН.**

*Шахмат «тож»и учун*

# КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Шу кунларда справка бюроси ходимлари ҳам менчалик толиқишмаётгандир. Шахматга бўлган қизиқишнинг зўрлигини кўриб, хурсанд бўламан. Лекин айрим ўта «билагон»ларнинг чучмал фикр-мулоҳазаларини эшитганда нафасим тиқиладию, аммо тегишли жавоб беришдан ўзимни тийишга ҳаракат қиламан.

— Петросян билан Спасский ниманг талашишяпти, — дейди ўшалардан бири сира пинагини бузмай.— Жаҳон чемпиони бўлмаса нима қипти? «Сафдий»дами қаранг: бу ерда ҳеч қандай фалсафага ўрин йўқ, албатта. Бўлмаса, ахир 22 азамат стадионда битта тўпни талашиб нима қилади?! «Э, фаросатингга балли-е» дейишдан ўзга илож борми бунга. Ҳайрият бундайлар битта-яримта холос.

Совет гроссмейстерлари Тигран Петросян билан Борис Спасский бахсининг бошланганига ҳам мана икки ой бўлиб қолди. Аммо у ниҳоясига етгани йўқ. Томонлар вақти-вақти билан танаффусга чиқиб, муддатни чўзишди.

«Шахмат — асаблар кураши» деб бежиз айтмаганлар. Биноbarин асаби «лат еганлар танаффусга чиқмай ким чиқсин? Бироз бўлса ҳам ўзига келиб олиши керак-ку. Лекин бунинг ҳам чеки бор. 24 партия давомида гроссмейстерларнинг ҳар бири бор-йўғи уч марта шундай ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин. Спасскийники тугади. Петросян бўлса биттасини кўз қорачиғидай асраб турибди.

64 катакда бўладиган жанглар сиртдан қараганда бесойиштадек туюлади. Аслида эса баъзан тинкани қуритиб юборади. Миянинг беш соатлик узлуксиз фаол ишлашидан киши чарчайди, албатта. Устма-уст зарба егандан кейин эса чарчоқ азобга айланади. Туни билан «нега ундай қилмадим - у, бундай қилдим» деган ҳаёллар гроссмейстерни эслак-элак қилиб ташлайди. Ана шундай пайтларда матч қатнашчилари ноилож танаффус эълон қиладилар.

Жанг тафсилотларини қисқача чизиб беришга ҳаракат қиламиз. «Тож» даъвогари биринчи учрашувдаёқ таслим бўлди. Лекин Борис Спасскийни яхши биладиганлар. «Бу кескинликка яхшигина туртки бўлди» дедилар қўйдирлар. Айтганларидек, икки дурангдан сўнг тўртинчи ва бешинчи партиялар Спасскийнинг ажойиб ғалабалари билан якунланди. Орада яна икки бор дурангга имзо чекилгач, саккизинчи учрашув ҳам даъвогар фойдасига ҳал бўлди. 16 партиянинг учдан бир қисми Спасский учун икки очко устунлик берди. Шунда баъзилар: «Бу гал энди кўймайдиганга ўхшайди» деган фикрни очиқ-ойдин айтишга ҳам журъат этдилар. Аммо навбатдаги ўйин Спасский учун оғир фалокат келтирди: ютиб турганда йўлидан адашди...

Бу учрашувда дурангга эришган жаҳон чемпионининг руҳи шундай кўтарилган эдики, ўнинчи ва ўн биринчи ўйинларни ютиб, ҳисобни бараварлаштирди-қўйди. Аслида ўн иккинчисини ҳам ютиши керак эдию, аммо ортиқча эҳтиёткорлиги ҳалақит берди. Кетма-кет беш учрашувда дуранг натижа қайд қилинди. Матчнинг учдан икки қисми яъни 16 партиядан сўнг ҳисоб 8:8 бўлди. Спасский иккинчи бор танаффусга чиқди. Матчда соқинликдан кейин бўрон кўтарилиши кутилмоқда эди. Шундай бўлди ҳам. Иккала томон дадил жанг қилди. Дурангдан дарак ҳам йўқ эди. Ўйин имкониятлар тахминан баравар ҳолда мураккаб давом этиб турди. Бири сипоҳ қурбон қилса, иккинчиси уни олмай курашни кескинлаштирди. Лекин, ниҳоят, биринчи хатони Петросян қилди. Бундан усталик билан фойдаланган Спасский рақиб қароргоҳида мураккабликлар пайдо қилишга, сўнг ўйинни қўли баланд ҳолда кечиктиришга муваффақ бўлди. Эртасига яна бир неча юриш қилгач, Петросян рақибини ғалаба билан табриклайди. 18-партияда эса у аранг дурангга эришади.

19-учрашувда Петросян шундай таъзирини едики, 24-юришдаёқ енгиланлигини тан олди. Бундай зарбани боксчиларнинг нокаути билан қиёс қилса бўлади. Аммо «пўлат Тигран»нинг иродаси букилмаган экан. 20-партияни у хамиртдан қил суғургандек ютиб шахмат оламининг таҳсинга сазовор бўлди. 21-партияда эса Спасский ғолиб чиқди. Энди даъвогар қолган уч ўйинда бир очко олса, чемпион унвонини қўлга киритади. Лекин бу осон эмас. Ж а н г беаёв бўлади. Масалани асосан асаблар ҳолати ҳал қиладиганга ўхшайди. Бу — муқаррар!

**М. МУҲИДДИНОВ,**
СССР спорт мастери.



Кескин вазият.

Н. Надеждин фотоэтюди



# Азиз Несин

## Ғаройиб болалар

—Ҳўш, бахтсиз одам қиз бола бўлиб туғилади-ю, пешонаси яркирагани ўғил бўлибди?

Бу хусусда сен нима фикрдасан? Шуни билмоқчиман.

Ойим бозордан бери «Ёт энди, кеч бўлди» деб қўймаяпти. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Майли, етсам-ётга қолай. Эртага мактабдан қайтишда хатни почтага ташлайман.

Омон бўл, дўстим Аҳмад.

**Зайнаб ЕЛҚИР.**

### ҲАЛИ ЕШЛИК ҚИЛАСАН

Истамбул,
14 декабрь 1963 йил.

Зайнаб.

Хатингни ўқир эканман, йиғлашимниям, кулишимниям билмай қолдим. Дугонанг Ҳикматга қаттиқ ачиндим. У бечоранинг аҳволи нима кечади энди. Оиласида бирор янгилик рўй берса менга ҳам хабар қил, билай.

Бахт деган нарса қиз ёки ўғил бўлиб туғилишга боғлиқ экани илгари ҳечам хаёлимга келмаган экан. Шунинг учун дадамдан фикр сўрадим. Дадам бу ҳақда узоқ тушунтириб бердилар. Гапларининг асосий мазмуни шу бўлди: ўртада ҳеч қандай фарқ йўқ, инсоният эркак ва аёлдан ташкил топган.

— Гапингиз тўғри, дада, — дедим. — Аммо сиз қиз бола бўлишни хоҳлармидингиз?

Дадам ўшқириб берди:

— Бу нима бемаънилик!

Нимага жаҳли чиққанини тушунолмадим. Гўё ҳозир дадам қайта туғиладигандай.

Айни саволни ойимга ҳам бердим:

— Кошкийди эркак бўлиб туғилсам, — деди у ух тортиб.

Кеча ўқитувчимиз бизни музейга олиб борди. Қайтишимизда ундан ҳам шуни сўрадим.

— Нега сўраяпсан буни? — ҳайрон бўлди у.

Мен бор гапни айтиб бердим.

— Бу — катталарнинг иши, сен ҳали тушунмайсан, қўй бу гапни, — деди у охири.

Шунақа гапни эшитсам, қоним қайнайди. Бизни нуқул ҳеч нарсага ақли етмайди, деб ўйлашади.

Бир куни уйимизда қизиқ гап бўлди. Укам нимагадир тушунмай дадамдан сўради. Дадам бўлса:

— Сен ҳали ёшсан, бундай нарсаларга тушунмайсан, — деб қўя қолган эди, укам яна қисталанг қилди:

— Сиз тушунтиришга уриниб кўринг, дада, тушуниб қоларман балки.

Дадам унинг гапини ҳали-ҳали эслаб кўяди.

Мен бир нарсага ҳайронман. Катталар бирор гапни тушунтириб бериш ўрнига нега бизга нуқул «Ҳали ёшсан, ақлинг етмайди» дейишаркин-а?

Яқинда қизиқ бир гап бўлди. Мана эшит, гапириб бераман.

Ойим укамни олиб, қўшниларникига чиқибди. Бир гала хотин-халаж ўтирган экан. Шулардан бири ҳомиладор бўлиб, бола кўришни истамас экан. Ҳамма ўз билганича унга маслаҳат берибди. Укам буларнинг гапига парво қилмай бир бурчакда тинчгина ўйнаб ўтирган экан, бир жувон: «Ҳой, овсин, ёш бола бор-а, эшитиб қолмасин тағин», дебди. Укам бу гапни эшитиб, қулогини динг қилибди. «Э, парво қилманг, гўдак нарса, нимани тушунарди» дебди иккинчиси. Бу гап укамга қаттиқ ботибди. Ўйинчоқларини ўйнаб ўтирган бўлиб, ҳамма гапни эшитиб олибди. «Қўйинг, эшитиб қоладиз», «Эшитган билан барибир тушунмайди, ақли кирди-чиқди ҳали» деган гап-сўзлар ҳам қулоғига чалиниб бди.

Кейин билсак, укам ҳамма нарсага ақли етишини кўрсатиб қўйиш учун пайт пойлаб юрган экан.

Тунов куни уйимизга меҳмонлар келишди. Ҳамма ўтирган эди, укам меҳмонлардан бирига қараб тўсатдан:

— Ҳомиладор экансиз-а, хола? — деб қолса бўладими.

Ҳамма қотиб қолди. Кейин ноилож кулганлар ҳам бўлди.

— Шундай, ўғлим, — деди бояги жувон ўнғайсизланиб.

— Энди туғасизми?

Дадам билан ойим кўз уриштириб олишди. Укам ҳамма нарсага ақли етишини исботламоқчи бўлди шекилли, яна валдираб берди:

—Битта ҳолани кўрдим, қорни катта-ю, лекин туғмайман, деди. Ойи, тўғроима гапим?

Ойим лаббагидек қизариб кетди.

Бу ноқулай аҳволдан чиқиш учун эркаклар гапни бошқа ёққа буришди. Лекин укамнинг жағи тинмади, Ҳамма эшитган гапларини оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

— Бас, энди, жим бўл! — жеркиб берди ойим.

Укам яна жаврай кетди. Эшитган-билган нарсаларини тўкиб солди. Меҳмонлар кулишган бўлди. Охири ойим уни кўлидан ушлаб, нариги хонага олиб кетди. Укам ҳўнг-ҳўнг йиғлаб.

(Давоми бор.)

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

# Реклама ва эълонлар

## Радио

### 14 ИЮНЬ ШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**18.00** Экран қўйлари (ўзбекча). **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Музикали салом. **20.00** «ЛЕНИННОМА» программаси (ўзбекча). **20.40** Оммавий қўшиқлар (ўзбекча). **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» деган эшиттириш (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** «Шанба оқшомида» деган концерт. **23.10** Ўзбек давлат филармонияси солистлари ва халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

**19.00** Ҳажвий қиссалар. **19.30** «Шеърият дафтари» (русча). **20.00** «Шашмақом» дан парчалар. **20.30** Озарбайжон қўйлари. **20.50** «Лабораторияларга саёҳат» (русча). **21.00** Куйлаймиз, рақсга тушамиз (русча). **21.40** Медицина ходимлари қунига бағишланган эшиттириш ва концерт (татарча).

### 15 ИЮНЬ ЯКШАНБА

**МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ**

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**6.15** Тонгги концерт. **7.45** «Каттаналарга болалар ҳақида» деган эшиттириш (ўзбекча). **8.25** Сиз ёқтирган ижрочилар концерти. **9.30** Шарқ халқларининг қўйлари. **10.10** «ТАБАССУМ» радиожурнали. **11.35** Шўх концерт. **12.15** «Эрталабки салом!» (Москва). **13.30** «Медицина ходимлари, сизлар учун» деган концерт (русча). **14.00** «ПАХТАКОР» радиожурнали. **15.00** Медицина ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. **15.50** «Олмалик зардобри» (русча). **16.10** Драматик санъат усталари. СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева (ўзбекча). **17.40** Экран янгиликлари.

**18.00** «Музикали глобус» (ўзбекча). **18.40** Давид Ойстрах чалади. **19.20** Қўшиқлар ва рақслар (ўзбекча). **20.00** «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. **20.40** Чолғу қўйлари. **21.00** «Мамлакатлар ва қитъалар» деган эшиттириш (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. **22.20** «Табассум» радиожурнали. Такрорий эшиттириш. **23.20** «Хайрли кеч» деган концерт.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

**8.25** Экран қўйлари. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. **19.30** Эстрада-рақс концерти. **20.00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). **21.00** Дам олиш концерти (тожикча). **21.40** Лирик қўйлар.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**

**13.00** М. Глинка. «Иван Сусанин» операси. **16.00** М. Юсупов. «Хоразм қўшиғи» операсининг монтажи. **18.00** «Табассум» радиожурнали. Такрорий эшиттириш.

## Телевизор

### 14 ИЮНЬ ШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

**Ўзбек тилида:** **17.25** Қўғирчоқ телевизион театри. **17.55** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». **18.50** Телевизион янгиликлар. **19.05** Эстрада шинавандалари, сизлар учун. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**20.00** Рангли телевидение программаси. **21.30** Телевизион янгиликлар. **21.45** Интервидение. Усмирлар учун эшиттириш. **22.45** Бадиий фильм. **00.15** Телевизион янгиликлар. **00.30** «Рус қайини». Музикали программа. **01.30** Ленинизм — замонамиз байроғи. **02.00** Москва кўрсатувларининг охири.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**18.00** Телевизион янгиликлар. **18.30** Эфирда «Молодость». **19.30** «Яратувчилар» деган эшиттириш.

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

**Ўзбек тилида:** **20.00** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғлом танда — соғ ақл» **20.40** «Ўғай она». Бадиий фильм. **22.05** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси уйғур ансамблининг концерти.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ**

**Рус тилида:** **18.00** Экран — болаларга **19.00** Янгиликлар. **19.15** Музикали экран.

**Тожик тилида:** **20.00** Эфирда — «Молодость». **20.30** Концерт. **21.20** Дўстлик карвони. **22.20** Янгиликлар. **22.35** «Аршин мол олон». Бадиий фильм.

### 15 ИЮНЬ ЯКШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**9.55** Кўрсатувлар программаси.

**Рус тилида:** **10.00** Болалар учун. «Бугун туғилган куни». Мультфильм. **10.20** «Биз мактабга борамиз». Тошкент шаҳар 336-болалар боғчаси тарбияланувчилари ижросида концерт. **10.50** «Киролнинг янги либоси». Бадиий телефильм.

**Ўзбек тилида:** **11.50** Болалар учун телевизион театри. В. О с е е в а «Леньке». **12.50** «Ҳайвонлар тили». Илмий-оммабоп фильм. **13.55** Хотин-қизлар, сизлар учун **14.15** Буни ҳар кам билиши керак (рус тилида). **16.55** Кўрсатувлар программаси. **17.00** «Сиҳат-саломатлик» илмий-оммабоп программасининг Медицина ходимлари қунига бағишланган сони.

**Рус тилида:** **18.00** «Ахборот» информацион программаси. **18.30** «Сертошлар хўжалиги». Бадиий фильм. **19.55** Кўрсатувлар программаси.

**Ўзбек тилида:** **20.00** «Ёшлик» студияси кўрсатади. Телевизион миниатюралар театри. **20.40** «Ахборот» информацион программаси. **21.10** Ҳар гектардан мўл ҳосил етиштирайлик! **21.30** Саида Абдуллаева ва Абдулатиф Холдоровлар куйлайди.

**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**22.30** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Динамо» (Москва)— «Черноморец» (Одесса). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар. **00.15** «Тинчлик боғи», Халқаро программа. **01.00** Москва кўрсатувларининг охири.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**12.00** Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. **12.15** Телевизион янгиликлар. **12.30** Ўқувчилар учун. «Вўдильник». **13.00** Музикали киоска. **13.30** Интервидение. «Ленинград дурдонаси». **14.00** Усмирлар учун. «Фанга йўл». Биологик олимпиаданинг иккинчи тури. **15.00** Интервидение. «Дўстлар саломи». Болалар концерт программаси. **15.45** «Новости дня» киножурнали. **16.00** Қишлоқ янгиликлари. **17.00** Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун. **17.30** Болғор телевидениесининг кўрсатувлари.

**18.00** «Здоровье». Илмий-оммабоп программанинг медицина ходимлари кунига бағишланган сони. **18.30** Эфирда — «Молодость». **19.45** «Вақт» информацион программаси. **20.00** Рангли телевидение программаси.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**

**17.00** Экран — болаларга. **17.20** «Новинка» киноклуби. **18.40** «Оқ халатли кишилар ҳақида». **19.20** Талабаларга мувофиқ концерт. **19.40** «Трест операцияси». Телефильмнинг 4-серияси.

**Қирғиз тилида:** **21.00** Медиклар кунига бағишланган эшиттириш.

## Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14|VI да **Улимдан кучли**, 15|VI да **Қонли сароб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14|VI да **Ажаб савдолар** (қишки бинода), 15|VI да **Ажаб савдолар** (қишки бинода).

## Кино

**14 ИЮНДА ҚИШКИ БИНОДА**

**Дакийлар** — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кечқурун). «МОСКВА», (кеч 7 да).

**Уруш-уруш-да** — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи). «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч 8 да)

**Ҳаводаги саргузаштлар** — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи).

**Рошфорлик қизлар** — САНЪАТ САРОЙИ кеч 7.30 ва 9 яримда).

**ЕЗГИ БИНОДА**

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

**Уруш-уруш-да** — «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли.

**Дакийлар** — «ФЕСТИВАЛЬ».

**15 ИЮНДА ҚИШКИ БИНОДА**

**Дакийлар** — «Чайка», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 9.45, 11.30 да), «МОСКВА» (эрталаб 11.40, кундуз соат 3 ва кеч 7 да).

**Уруш—уруш-да** — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 4 ва кеч 8да)

**Она қалби**— (кундуз соат 1 яримда). **Рошфорлик қизлар** (кундуз ва кечқуруи); — САНЪАТ САРОЙИ.

**Ҳаводаги саргузаштлар** —«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

**Бир юз биринчи сенатор** — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

**Махтумқули** — «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз соат 1.20 ва 5 да).

**ЕЗГИ БИНОДА**

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутлар да бошланади)

**Уруш—уруш-да** — ТЕЛЬМАН номли «ХИВА».

**Дакийлар** — «ФЕСТИВАЛЬ»

## ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

**24 июнь эрталаб соат 11 да** В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг геологий-минералогия фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети кенгаши (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, геология факультети, сектор «Б», 224 аудитория)да геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

**А. Н. Белов:** «Бобой-об лополитининг петрологияси» деган темада

Диссертация билан кутубхона (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, ТошДУ) да танишиш мумкин.

**25 июнь кундуз соат 2 да** Узбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий совети кенгаши филология фанлари кандидатининг илмий совети кенгаши (Қуйбишев кўчаси, 14 уй) да филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

**К. Раҳмонбердиева:** «Ўзбек тилида кўрув феъли» деган темада

Диссертация билан кутубхона (А. Тўқай кўчаси, 1-уй) да танишиш мумкин.

**25 июнь кундуз соат 2 да** Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг геология фанлари бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Х. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика Институтининг конференц зали, академик Сулаймонова кўчаси, 33 уй) да геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

**М. С. Сиддиқов:** «Фарғона котловинасини инженерлик геологик шароити ва келгусида қурилиш мақсадида ўзлаштириш учун районлаштириш» деган темада;

**Х. Р. Дўстхўжаев:** «Сирдарё артезиан ҳавзасининг ўрта ва қуйи қисмларидаги ер ости сувларининг пайдо бўлиш шароитлари» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (академик Сулаймонова кўчаси, 33 уй) да танишиш мумкин

**25 июнь эрталаб соат 10 да** Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий совети кенгаши (Қуйбишев кўчаси, 14-уй, конференц-зал, 1-қават) да фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

**М. Усмонов:** «Абу Бакр Муҳаммад Закариё ар-Розийнинг фалсафий қарашлари» деган темада;

**О Эргашев:** «Олам тўғрисидаги диний тасаввурга қарши табиий-илмий ғоялар ва эркин фикр кураши тарихидан» деган темада

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси 1 уй) да танишиш мумкин.

**27 июнь кундуз соат 2 да** Тошкент Давлат медицина институти педиатрия ва санитар-гигиена факультетларининг илмий совети кенгаши (Морфология корпуси, 1 зал) да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

**Э. Д. Аллақулова:** «Тошкент шароитида мактаб ёшидаги болаларда аскорбин кислота синиғи алмашувига доир» деган темада;

**Т. А. Даминов:** «Болаларда тиф-паратиф касалликларини туберкулёз билан бирга клиник ўтиш масаласига доир» деган темада.

**27 июнь кундуз соат 2 да** Тошкент Давлат медицина институти педиатрия ва стоматология факультетларининг илмий совети кенгаши (Морфология корпуси, 2 зал) да медицина фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

**А. А. Қодирова:** «Ҳомиладор аёлларда қам қонлик ва туғишнинг ва унинг ҳомиладорлик йўналишига, ҳомила ва ғудакнинг аҳволига таъсири» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (К. Маркс кўчаси, 103) да танишиш мумкин.

**27 июнь кундуз соат 3 да** Тошкент халқ хўжалик институтининг илмий кенгаши (Олмазор кўчаси, 183 уй) да иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

**Г. Я. Зельнер:** «Тожикистон машинасозлик саноатида рентабелликни ошириш йўллари» деган темада;

**Э. Т. Шайхов:** «Тошкент область колхозларида пахта ҳосили етиштиришни ошириш йўллари ва унинг таннархини пасайтириш» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
**15 июнь кеч соат 6 яримда Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг**
**XXI СПАРТАКИАДАСИ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛАДИ**

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 111-сон ўрта мактаб томонидан Усмонова Рихси Мираюповна номига берилган 0699898 номерли йўқолган ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

6 ТЕМИР — БЕТОН БЎЮМЛАРИ ЗАВОДИГА
**катта бухгалтерлар, оухгалтерлар, юрисконсульт, бетончилар, электр-газ пайвандчилар, кранчилар**
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ж. Юсупов кўчаси, 70 уй, кадрлар бўлими (8, 10, 14 автобусларнинг «Тошкент алоқа политехникуми» бекати). Телефонлар 1-37-45, 4-10-93.

«ТАШОБЛСЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 7-МАХСУС ЛАШТИРИЛГАН МЕХАНИЗАЦИЯ КЎЧМА КОЛОННАСИГА
**ғишт терувчилар, дурадгорлар, бетончилар, сувоқчилар, бўёқчилар.**
КЕРАК
**Меҳнат ҳақи ишбай иш кўчма характерда бўлгани учун 30% қўшимча ҳақ тўланади. Ёлғиз кишиларга прописка ва ётоқхона берилади.**
Мурожаат учун адрес: Тошкент области, Калинин райони, с|с Ўзгариш (18, 30, 83 автобусларнинг «С. Раҳимов номли станция» бекати).

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИГА
**комендантлар, 4 ва 5 разрядли дурадгорлар (меҳнат ҳақи ишбай) қоровуллар, секретарь-машинистка, кадрлар бўлимига инспектор**
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ў. Юсупов кўчаси, 70 уй, кадрлар бўлими (8, 10, 14 автобусларнинг «Тошкент алоқа политехникуми» бекати). Телефонлар 1-37-45, 4-10-93.

Тошкент шоми 4 БЕТ. 14 ИЮНЬ, 1969 й.
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета
БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, Саноат транспорт, қурилиш бўлимлари 33-27-03, ахборот бўлими 33-65-57, эълонлар бўлими 33-81-42.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси — Тошкент шахри
НАШР 2777
Р. 06564
Индекс 64579.